

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 347.78 (575.1)**

**МЕҲМОНОВ ҚАМБАРИДДИН МИРАДҲАМОВИЧ**

**КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

**5А380103-Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи;  
фуқаролик процессуал ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ**

**магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: юридик фанлар номзоди  
Шорахметова Умида Шоакбаровна**

**ТОШКЕНТ-2011**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3-12</b>
<b>I-БОБ. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ФУҚАРОЛИК</b>	
<b>ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА .....</b>	<b>13-33</b>
1.1. Компьютер дастурлари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари .....	13-21
1.2. Компьютер дастурларининг фуқаролик ҳуқуқи объектлари тизимда тутган ўрни .....	21-26
1.3. Маълумотлар базаси тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш .....	26-33
<b>II-БОБ. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИГА НИСБАТАН</b>	
<b>ҲУҚУҚЛАР МАЗМУНИ .....</b>	<b>34-49</b>
2.1. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш асослари .....	34-40
2.2. Компьютер дастурларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар мазмуни .....	40-45
2.3. Компьютер дастурлари яратувчиларининг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари .....	46-53
<b>III-БОБ. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИГА НИСБАТАН</b>	
<b>ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ .....</b>	<b>54-73</b>
3.1. Компьютер дастурларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари .....	54-59
3.2. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик .....	60-66
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>67-70</b>
<b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>71-86</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда илм-фан, техниканинг жадал ривожланиб бориши натижасида ҳаётимизнинг деярли барча соҳасида замонавий ахборот технологияларидан, компьютер дастурларидан ва маълумотлар базаларидан унумли фойдаланилмоқда. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида айнан интеллектуал мулк объектлари жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаши ва мамлакат даромадининг асосий қисмини ташкил этаётганлиги мазкур мавзу бўйича тадқиқот олиб бориш заруриятини янада оширади. Шу сабабли ҳам интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Конституция қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, “Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу кадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам илғор ахборот-коммуникация технологияларини кундалик ҳаётимизга жорий этиш, давлат ва жамият ривожланишини белгиловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Зеро, интеллектуал мулк объектларининг ҳимоя қилинганлиги давлатнинг жаҳонда туган ўрнини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ҳимоянинг ишончлилиги илмий тадқиқотлар, маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, фан ва техника ютуқларини амалда қўлланилиши билан белгиланади.

Интеллектуал мулк объектларининг ҳимоя қилинганлиги давлатнинг жаҳонда туган ўрнини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ҳимоянинг ишончлилиги илмий тадқиқотлар, маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, фан ва техника ютуқларини амалда қўлланилиши билан белгиланади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган маросимдаги сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2010 йил, 8 декабрь.

<sup>2</sup> Имомов Н. Икки қонундаги бир кемтик.//Ҳаёт ва қонун. 2000.№9.Б.41.

Кейинги пайтларда интеллектуал мулк объектларининг бир тури ҳисобланган компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолатни “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”<sup>1</sup>ги 1994 йил 6 май ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>2</sup> ги 2006 йил 20 июлда қабул қилиниши бўлди. Зеро, техникавий янгиликларнинг амалиёт учун фойдалилик хусусияти ҳисобга олсак, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини аҳамиятли томони янада ортади.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида интеллектуал мулк объектлари муҳим ўрин эгаллайди. Компьютер ва ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бориши, бу борада муносабатлар тобора кенгайиб бораётганлиги мазкур муносабатларни қонуний тартибга солиш механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Бозор муносабатлари тизимида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазалаш, уларга нисбатан муқома ҳуқуқлар, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, мазкур ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш усул ва воситаларини ўрганиш, ҳуқуқ эгаси ҳуқуқларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларини тадқиқ этиш бугунги куннинг талабидир. Гарчи интеллектуал мулкнинг айрим объектлари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилган, бу масалага кўплаб илмий адабиётларда эътибор қаратилган бўлишига қарамай, компьютер дастурлари ва маълумотлар базалари комплекс тарзда ҳозиргача чуқур ва атрофлича ўрганилмасдан келинмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида айнан интеллектуал мулк объектлари жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаши ва мамлакат даромадининг асосий қисмини ташкил этаётганлиги мазкур мавзу бўйича тадқиқот олиб бориш заруриятини янада оширади.

Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардикки, бугунги кундаги компьютер дастурларининг бошланғич пойдевори, ғояси, мазмуни айнан буюк аждодимиз Ал-Хоразмий томонидан қўйилган эди. Лекин, замон силсилаларидан ўтиб, илмий тараққиёт ортда қолиш натижасида бу ғоялар китобларда қолиб кетган эди.

<sup>1</sup> “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” ги 1994 йил 6 май қонуни (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни),

<sup>2</sup> Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.

Юртбошимиз И.А.Каримов «XXI аср интеллектуал салоҳиятли ёшлар асри» деб таъкидлаган эканлар, бизлар - мустақил Ўзбекистоннинг фарзандлари ўтмишда аждодларимиз қолдирган меросдан унумли фойдаланиб, уларга муносиб фарзанд бўлишимиз давр талабидир. Дунё ҳамжамияти биздан фақатгина аждодларимиздан фахрланиш, ғурурланишни эмас, балки амалда ҳақиқатан ҳам буюк инсонларнинг аждодлари эканлигимизни ахборот технологиялари борасида эришиладиган ютуқларимиз билан исботлашимизни тақазо этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратувчиларга, уларни фуқаролик муомаласида фаол ҳаракат қилишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурининг қабул қилинганлиги фикримиз далилидир. Бироқ компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини фуқаролик муомаласига киритиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида муаммолар мавжуд. Тўғри, бугунги кунда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган объектларни ғайриқонуний савдосига қарши кураш мақсадида кўплаб рейдларни ҳам амалга оширмоқда. Лекин интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича, ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга бевосита ихтисослашган турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этиш, ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишда уларнинг ролини ошириш, улар ўзаро ҳамкорликда компьютер дастурларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишда фаол ҳаракат қилишса, кўплаб муаммолар бартараф этилишига эришиш мумкин бўларди.

Одатда, илмий адабиётларда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофазалаш масалалари ўрганилганда, кўпроқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони. 30.05.2002 й. ПФ-3080. "Халқ сўзи", 116 (2944)-сон, 2002 йил, 1 июнь.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ДАСТУРИ. 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига

унинг шакл жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида урғу берилади. Ваҳоланки, компьютер дастурининг асосий мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусияти унинг алгоритмида ифодаланган бўлади. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини бузилишлардан самарали ҳимоя қилишнинг қонуний механизмини яратишда мазкур ҳолатлар ҳам ўзининг ифодасини топмоғи лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси сифатида бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган шароитда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини самарали ҳимоя қилиш, хусусан компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини фуқаролик муомаласида бўлиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситаларини ҳар томонлама илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш вазифаларини долзарб қилиб қўймоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси фуқаролик ҳуқуқининг янги объекти бўлиб ҳисобланади. Демак, дастлаб интеллектуал мулкнинг айрим объекти бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республика мустақилликка эришгунга қадар эса, интеллектуал мулкнинг айрим объекти бўйича тадқиқотлар амалга оширилган эди. Хусусан, Ш.Ш.Шораҳметов томонидан ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари ҳуқуқий режими алоҳида тадқиқ этилган эди<sup>1</sup>. Цивилист олим Ф.Х.Сайфуллаев кашфиётчилик, ихтирочилик, муаллифлик ҳуқуқлари объектларини ўқув дарслигида умумий ҳуқуқий асосларини баён этган<sup>2</sup>. Ғўзани янги навлари, селекция ютуқларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар О.Оқюлов томонидан номзодлик диссертация даражасида ҳимоя қилинган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шораҳметов Ш. Возникновение и развитие правового регулирования рационализаторских предложений.: Автореф. дис...к.ю.н. –Т.: ИфиП АН Узбекской ССР. 1965. 15-б.

<sup>2</sup> Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. 2-қисм. –Т.: Ўқитувчи. 1988. 280б.

<sup>3</sup> Оқюлов О. Договор на создание и видение новых сортов хлопчатника. Автореф. Дис...к.ю.н. Т.: ИфиП АН РУз. 1991. 23б.

МДХ мамлакатлари цивилист олимлари томонидан компьютер дастурларини ҳимоя қилиш масаласи бўйича А.П.Сергеев, В.А.Дозорцев, И.А.Зенин, Э.П.Гаврилов, Ю.Г.Матвеев, А.Л.Альферов<sup>1</sup> ва бошқалар бевосита шуғулланишган.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида интеллектуал мулк масалалари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришгач, интеллектуал мулк ва унинг айрим объектлари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Насриев И. муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари бўйича<sup>2</sup>, Б.Тошев муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари бўйича<sup>3</sup> номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. 2000 йилда йирик цивилист олим О.Оқюлов томонидан «Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми»<sup>4</sup> мавзусида докторлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. 2004 йилда Н.Ф.Имомов томонидан “Селекция ютуқлари бўйича муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган<sup>5</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади бўлиб компьютер дастурлари ва маълумотлар базасининг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларини, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш бўйича қонунларни такомиллаштириш муаммоларини илмий таҳлил этиш, компьютер дастурларинига нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш, бу ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича илмий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу билан бирга компьютер дастурларидан фойдаланиш бўйича шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва мазмуни, компьютер дастурларидан

<sup>1</sup> Сергеев А.А. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. –М.: Проспект, 2001. -752 с.; Дозорцев В.А. Интеллектуальная собственность. –М.: Зенин И.А. О концепции права интеллектуальной собственности в СССР. //Право промышленной и интеллектуальной собственности. 48-б.; Гаврилов Э.П. Международное совещание по правовой охране программ ЭВМ //Вопросы изобретательства.1989, №10. 34-б.; Гаврилов Э.П. Советское авторское право. –М.: Юр.лит.. 1984. 119-б.; Матвеев Ю.Г. Международная охрана авторских прав. -М.: Юр.лит. 1987. 160-б.; Альферов А.Л. Некоторые аспекты судебной защиты прав авторов программ для ЭВМ и баз данных в России. //Защита прав граждан и юридических лиц в российском и зарубежном праве (проблемы теории и практики). Сборник статей и тезисов аспирантов и молодых ученых. -М.: МЗ Пресс. 2002. - 160 с.

<sup>2</sup> Насриев И.И. Личные права автора произведения и гарантии их защиты.: Автореф. Дис..канд.юрид.наук. –Т.: ИфиП АН РУз. 1995. 26с.

<sup>3</sup> Тошев Б.Н. Законодательные основы и формы защиты авторских прав в Узбекистане.: Автореф. Канд.юрид.наук. –Т. ТГЮИ. 1999. 216.

<sup>4</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. –Т.: ю.ф.д.дисс. 2000.

<sup>5</sup> Имомов Н.Ф.Селекция ютуқлари бўйича муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. Ю.ф.н...дисс. Автореферати. -Т.:2004. -24 б.

фойдаланиш бўйича лицензия шартномаларининг қўллаш масалалари ҳам тадқиқот мақсадининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси тушунчасини таҳлил этиш;
- компьютер дастурларини ва маълумотлар базасини фуқаролик ҳуқуқининг янги объекти сифатида ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- компьютер дастурларига нисбатан мулк ҳуқуқлар ҳуқуқий табиатини, мазмунини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш;
- компьютер дастурларини ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш шакллари ва усулларини ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;
- компьютер дастурларини ва маълумотлар базасини ҳимоя қилишда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи нормаларини оқилона қўллаш мезонларини аниқлаш;
- компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномавий муносабатларни таҳлил этиш;
- компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар қонунчилигини тажрибасини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқ эгалари мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан эркин фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти бўлиб компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиши, мулк ҳуқуқлар, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, компьютер дастурларини ҳимоя қилишнинг усул ва воситалари, компьютер дастурларига нисбатан турли субъектлар ҳуқуқларини ҳимояси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқлар, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг усул ва воситалари, субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий табиатини аниқлаш ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир илмий муаммолари ҳисобланади.

**Илмий янгилиги.** Диссертацияда биринчи марта комплекс тарзда компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий муаммолари ўрганилган.

Диссертация илмий муаммога комплекс ёндашув асосида тадқиқ этилди. Бунда компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунчиликнинг ривожлантириш истиқболлари ва бу соҳадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси бўйича умумлашма илмий таҳлил амалга оширилди.

Диссертацияни илмий янгилиги унда олдинга қўйилган илмий муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувларда ва эришилган натижаларда ўз ифодасини топди. У қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

**биринчидан,** компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари тизими очиб берилди;

**иккинчидан,** компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳуқуқий ҳимоя қилишда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқ таркиби, ушбу ҳуқуқий ҳимоя шакллариининг ўзаро нисбати илмий асослантирилди ва муаллифлик ҳуқуқий шаклдаги ҳимоя асосий мавқега эга бўлиши тўғрисида хулосага келинди;

**учинчидан,** ривожланган мамлакатлар қонунчилигида компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид ижобий жиҳатларни мамлакатимизда қўллаш бўйича илмий таклифлар асослантирилди;

**тўртинчидан,** компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар илгари сурилди.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Амалдаги қонунчиликда компьютер дастурларининг ўзига хос хусусиятларини мустаҳкамлаш лозим. Улар қуйидаги ўзига хос жиҳатларни акс эттириши даркор:

-компьютер дастурлари муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида ҳуқуқий ҳимоя қиланади;

-объектив шаклда ифодаланган бўлади;

-компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқлар қонунга мувофиқ тарзда вужудга келади ва бекор бўлади;

-компьютер дастурларининг фуқаролик муомаласига киритилишида одатдаги ёзма шартномага нисбатан кўпроқ, электрон шаклдаги офертани тасдиқлаш йўли билан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келади. Бунда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини тарқатишга бўлган ҳуқуқ ўз ичига моддий элтувчи билан топширишни шунингдек, компьютер тармоғи орқали муомалага киритишни англатади;

-компьютер дастурлари бошланғич матн яъни, бирорта дастурлаш тилида ёзилган, бирон-бир компилятор қайта ишламаган матнга эга бўлади;

-бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур объект коди сифатида намоён бўлади.

2.Компьютер дастурларининг унинг технологик ўзига хослигидан келиб чиқувчи икки хил хусусиятли эканлиги, яъни компьютер дастурини иккита таркибий қисмдан (шакл ва мазмундан) иборат бўлиши, уларнинг ҳар бири мустақил равишда ҳуқуқий ҳимоя объекти бўлиши мумкин.

3.Амалдаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликка компьютер дастурларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, компьютер дастурлари бадий асарлардан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади.

4.Муаллиф муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик бир мунча эскирганлиги, унинг асосий конструкциялари механик усулда китоб босиш вужудга келган вақтда яратилганлиги, ҳозирги кунда эса, компьютер технологиясининг ривожланиши, Интернет муҳитида интеллектуал мулк объектларининг муомалага киритилиши (секундига 18 мб маълумот олиш имконияти мавжуд) билан боғлиқ қатор муаммоларни ечишни кун тартибига қўяётганлигини қайд этади.

5.Бугунги кунда компьютер дастурлари ва маълумотлар базалари фуқаролик муомаласига ноқонуний равишда киритилиши кузатилмоқда ва натижада ҳуқуқ эгаларига моддий ва маънавий зарар етиши ҳоллари мавжуд. Бундай ҳолларни олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмалари ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришлари лозим.

6.Компьютер дастури ўзи ичига бир қатор ижодий фаолият натижаларини қамраб олади: булар жумласига олдинга қўйилган масалани мантиқий блоксхема тарзида ишлаб чиқиш, дастурни кодлаштириш жараёни (бошланғич матн, объект коди)дан аудиовизуал тасвирлар ва фойдаланувчи тушуниши учун таклиф этилаётган дастурдан фойдаланиш учун ёзма кўрсатмалар яратиш жараёнини ифодалайди.

7.Бугунги кунда янги мураккаб кўп босқичли асарларнинг яратилиши, жумладан, мультимедияли компьютер дастурий маҳсулотларни таҳлил этиш натижасида шу нарса маълум бўладики, мультимедияли асарни оддий равишда унинг таркибига киритилган асар сифатида кўриб бўлмайди ва шу боис ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган асар ҳуқуқий режими аниқ белгиланиши лозим. Мазкур мураккаб дастурий маҳсулотнинг ҳуқуқий режими алоҳида белгиланган бўлиши лозим.

8.Келгусида Ўзбекистон Республикасида ҳам маълумотлар базасини ўзига хос тарзда танлаш, ташкиллаштириш ёки ахборотни жойлаштириш тизими тарзида ижодий меҳнат сарфланмаган бўлсада, муайян вақт ва материал ресурслари сарфланганлиги боис алоҳида ҳимоя қилишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ўз моҳиятига кўра маълумотлар базаси турдош ҳуқуқ объектларига яқин ҳисобланганлиги боис уларнинг ҳуқуқий режими фонограммалар ва эфир ёки кабел орқали эшиттиришлар режими сингари белгиланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулоса ва қоидалардан, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини фуқаролик муомаласига киритиш, ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини яратишда ҳамда бу соҳадаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижасида эришилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш ва ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга ёрдам беради, шунингдек тадқиқотнинг назарий натижаларига таяниш келгусида янги илмий-тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, тадқиқот натижасида олинган хулосалар компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий

химоя қилишга доир қонунлар ривожини устувор йўналишларини белгилашда ёрдам беради. Олинган тавсия ва хулосалардан фуқаролик ҳуқуқи, интеллектуал мулк ва бошқа ҳуқуқ соҳасига оид тегишли ҳужжатларни яратиш ва такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллайдиган идоралар фаолиятида ва ҳуқуқий фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Муаллифнинг тадқиқот натижасида олган таклиф ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий Судида Ахборотномаси (2005 йил №1), Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференция материалларида (2007 йил), Ўзбекистон Миллий университети халқаро илмий амалий конференция материалларида (2010 йил), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети конференция материалларида (2010 йил), «Бозор ислоҳотлари шароитида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (2010 йил) жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий тадқиқот иши кириш, 3 боб, 7 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияда мавзуга доир 100 дан ортиқ манбадан фойдаланилган.

## Г-БОБ. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

### 1.1. Компьютер дастурлари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиб бориши натижасида янгидан-янги фуқаролик ҳуқуқи объектлари вужудга келмоқда. Жумладан, компьютер дастурлари интеллектуал фаолият натижаси сифатида фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос янги объекти ҳисобланади. Компьютер дастурларини интеллектуал мулк объекти тариқасида Фуқаролик кодексида (ФКнинг 1031-моддаси) нормаланиши унинг интеллектуал мулк объекти сифатида ҳуқуқий ҳимоя қилинишининг кафолати ҳисобланади.

Мазкур мавзуда тадқиқот олиб борар эканмиз, дастлаб унинг тарихига муурожаат этишни жоиз деб билдик.

Механикада двигателнинг ихтиро қилиниши жисмоний меҳнатни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даврига қандай йўл очган бўлса, компьютерларни кашф қилиниши ҳам ақлий меҳнатни механизациялаштириш ва автоматлаштиришда шундай аҳамиятга эга бўлди. Компьютерлардан алоҳида вазифаларни ҳал қилишда фойдаланишдан маълумот ва хабарларнинг ката массивларини тўплаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишни автоматлаштириш учун қўллашга ўтилиши бу соҳада ташланган янги қадам бўлди.

Ҳозирда дунё бўйича ҳар йили 100 минглаб дастурлар яратилади ва муомалага киритилади. Мазкур дастурлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида албатта муайян қийматга эга ва албатта унинг асосий хусусияти компьютер воситаси ёрдамида, электрон муҳитда мавжуд бўлиши, ишлов берилиши ва фойдаланилишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда компьютер ўзи нима?, деган саволга тўхталиб ўтсак. Компьютер – инглизча сўз бўлиб, у ҳисобловчи демакдир. Ҳозирги кунда ҳаётимизда компьютер термини кўп учради. Ҳозирда компьютер фақатгина ҳисобловчи бўлмасдан, матнлар, товуш, видео ва бошқа маълумотлар устида ҳам амаллар бажаради. Лекин унинг асосий вазифаси маълумотларни қайта ишлашдан иборат. Шу билан бирга ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари термини ҳам кўп учраб туради. Ҳар иккала терминни қўллаш ҳам хато бўлмайди. Компьютерларни

хотирасининг ҳажми, бир секундда бажарадиган амаллар тезлиги, маълумотларнинг разряд тўрида (ячейкаларда) тасвирланишига қараб, беш гуруҳга бўлинади.

Алгоритм сўзи ва тушунчаси 9 асда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг арифметикага бағишланган “Ал-жабр ва ал-муқобала” номли асарининг дастлабки бетидаги “Dixit Algorithmic” (“Дедика Ал-Хоразмий”нинг лотинча ифодаси) деган жумлалардан келиб чиққан.

Ҳозирги кунда турли саноқ системалар мавжудлигини биз мактаб дастурида маълумот олганмиз. Ал-Хоразмий биринчи бўлиб ўнлик саноқ системасининг принципларини ва ундан турли амаллар бажариш қоидаларини асослаб берди. Бу эса ҳисоблаш ишларини ихчаслаштириш ва осонлаштириш имконини яратади. Чунки бу билан ўша даврда қўлланиб келинган рим рақамлари ва сонларни сўз орқали ёзиб бажаришдаги ноқулайликлар бартараф этилди.

Дастлаб алгоритм дейилганда ўнлик саноқ системасидаги сонлар устида турли арифметик амаллар бажариш қоидалари тушуниб келинган. Ал-Хоразмийнинг илмий асарлари фанга алгоритм тушунчасининг киритилишига сабаб бўлди. Алгоритм нима? Умуман олганда уни аниқ таърифлаш мушкул. Лекин алгоритмнинг моҳиятини аниқ ва қатъийроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Алгоритм деганда, бирор мақсадга эришишга ёки қандайдир масалани ечишга қаратилган буйруқларнинг аниқ, тушунарли, чекли ҳамда тўлиқ тизими тушунилади<sup>1</sup>. Алгоритмга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Алгоритм деб аниқ натижага олиб келадиган амалларнинг чекланган кетма-кетлигига айтилади.

Алгоритм бу билимлар устида фикрлаш ва етказиб беришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам кимдир қандайдир масалани ечишни ўйлаб топиш ва уни бошқаларга айтмоқчи бўлса, у ҳолда у ўйлаб топган ечимини шундай тасвирлаши керакки, натижада бошқалар ҳам уни тушунсин ҳамда шу тасвирга кўра бошқалар ҳам масалани тўғри ечишсин. Шунинг учун тасвир бир неча талабларга бўйсунитиши керак.

“Дастур” ибораси грекча, “programme” сўзидан олинган бўлиб, муайян фаолият, ишнинг қандайдир режаси ёки мазмунини англатади<sup>2</sup>. XX асда компьютерларнинг

<sup>1</sup> Арипов М.М, Муҳаммадиев Ж.Ў. Информатика, информацион технологиялар. –Т.: ТДЮИ. 2004. -278 б.

<sup>2</sup> [www.russian-law.net/law/doc/al\\_17.htm](http://www.russian-law.net/law/doc/al_17.htm).

яратилиши натижасида “programme” ибораси алгоритмни тавсифи сифатида муайян вазифани ечишга қаратилган кетма-кетлик тушунила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”<sup>1</sup>ти ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>1</sup>ти қонуни<sup>1</sup> дастурий таъминот соҳасидаги асосий масалаларни тартибга солишчи норматив акт бўлиб ҳисобланади. Бу қонунлар компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда бир-бири билан узвий боғланган ҳолда қўрилади ва мазкур қонунлар махсус норматив акт сифатида тўғридан-тўғри компьютер дастурларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилади ва устунлик мавқеига эга.

Амалдаги қонунимизда компьютер дастурига қўйидагича таъриф берилган. Компьютер дастури - муайян натижа олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади.

Компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан муҳофаза этилгани боис, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай натижаси ҳам муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўла оладими?-деган савол туғилиши мумкин. Фикримизча, ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига, ахлоқ-одоб қоидаларига зид келадиган, мавжуд ҳуқуқий муносабатларга путур етказиши мумкин бўлган ижодий фаолият натижалари муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза этилмайди. Айрим ҳолларда бундай дастурлар жиноят содир этиш қуроли ва воситаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Шу ўринда амалдаги қонунчиликда компьютер вирусларига нисбатан қандай тартиб белгиланганлиги ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Амалдаги Фуқаролик кодексида, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>1</sup>ти қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”<sup>1</sup>ти Қонунида ҳам “вирус” ибораси ишлатилмайди.

<sup>1</sup> Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.

“Вирус” сўзи илк бор Колифорния университети ходими Фред Кеэн томонидан ишлатилган. У вирусга қуйидагича таъриф беради: “Компьютер вируси компьютер дастуридан иборат бўлиб, бошқа дастурларни зарарлантиради, шу билан бирга дастур шаклан ўзгартирилиб ҳам киритилади, уларнинг ўзгартирилган нусхалари бўлади ва кейинчалик ўз-ўзидан кўпайиб хусусиятига эга”. Компьютер вирусларининг муҳим омилларидан бири кўпайишга қаратилганлиги ва ҳисоблаш жараёнларни ўзгартириб юбориш қобилиятидир. Уларга нисбатан махсус ҳимояланиш дастурлари ҳам яратилган<sup>1</sup>.

“Вирус” компьютерларнинг амалий дастурларига катта зарар етказади, маълумотлар ўчиб кетишига сабаб бўлади ва системали дастурий таъминотини издан чиқаради. Бу хавфдан сақланишнинг радикал усулларида бири дастурларни ишлатишда ёпиқ муҳитни ташкил этиш ва улардан рухсатсиз фойдаланишни тақиқлаш билан ҳимояланишдир. Компьютер ва ахборот технологияларининг ривожланиш жараёнида компьютер вируслари ҳар хил ҳолат ва ҳодисаларни олиб келиши мумкин. Бундай ҳодисаларнинг моҳияти шундан иборатки, дастурий вируслар худди тирик организм каби туғилади, кўпаяди ва ўлади.

Бундай дастурлар айрим ҳолларда жинойт қонунчилиги билан муҳофазаланадиган объектга тажовуз қилиши мумкин ва қонунчиликда белгиланган тартибда юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси 174-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузиш учун жинойт жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик ёки ахборотлар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда ахборотлар олиш, шунингдек, ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасдан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жинойт кодексининг 174-моддасида (ахборотлаштириш қоидаларини бузиш), 183-

---

<sup>1</sup> Неъматов А. Компьютер вируслари ва улардан ҳимояланишнинг дастурий усуллари. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004. -35 б.

моддасида монополияга қарши кураш қоидаларини бузиш, 191-модда (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-модда (рақобатчини обрўсизлантириш) интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ ҳуқуқлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олинади. ЖК 174-моддаси 2-қисмининг объектив томони компьютер вируслари ёки дастурларини яратиш ёки тарқатишни ифодалайди. Вирус ёки дастурларни яратиш бу мантикий маълумотлар ва буйруқлар жамланмаси бўлиб, кейинчалик компьютер ва унинг периферик ускуналарини бошқариш мақсадида ЭҲМнинг машина тилига ўтказиладиган объектив шаклдаги алгоритмда ифода этилиши мумкин. Вирус ёки дастурларни яратиш айбдор ўзи томонидан яратилган дастурни ушбу ҳолатда тарқатсагина, жиноятнинг объектив томонининг элементи ҳисобланади<sup>1</sup>.

Компьютер вируслари компьютер ишига турли тарзда халақит бериш, маълумотлар базаларини йўқ қилиб юбориш хусусиятига эга бўлади. Вируслар ўз ҳолича бошқа дастурларга қўшилади ва улар ишга туширилиши натижасида турли хил (маълумотларни йўқотиш ва ишдан чиқариш) операцияларни амалга оширади. Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг ушбу усули кенг тарқалган. Ҳозир дунё бўйича жуда кўп компьютер вируслари мавжуд. Уларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, юқловчи вируслар файл вируслари, резидент вирус ҳ.к. бўлиши мумкин.

Бугунги кунда компьютерга хавф солиши мумкин бўлган турли-туман вируслар борлиги маълум. Масалан, “чувалчанглар” (черви) деб аталувчи вируслар – мазкур зарарли туркумдаги дастурлар тарқалиш учун асосан операцион тизимнинг кучсиз, ҳимоясиз қисмидан фойдаланади. Бундай номнинг берилиши ҳам ўзига хос тарзда, тармоқ ва электрон почта ёрдамида компьютердан-компьютерга ўта олиш имкониятидан келиб чиққан. Троян дастурлари (Trojans) – мазкур туркумдаги дастурлар компьютерга фойдаланувчилар томонидан руҳсатсиз киришда ифодаланади, яъни, маълум шартлар мавжуд бўлганда дискдаги маълумотларни йўқ қилиб юборади, операцион тизимни “осилпириб” қўяди, махфий ахборотларни ўғирлайди ва ҳ.к.

Дастурларни тарқатиш деганда, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Дарслик. Махсус қисм. 3 том. Тошкент: Илм зиё, 2011. 127 б.

усуллар ёрдамида, шунингдек, сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан, ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш тушунилиши даркор<sup>1</sup>. Дастур ёки маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик махсус рухсатнома бўлмагандагина келиб чиқади.

Компьютер вирусларини яратганлик ёки тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик ушбу ҳаракатлар айбдор томонидан компьютер тизимида сақланадиган дастур ва маълумотларни ўзгартириш ҳаракатлари билан содир этилсагина келиб чиқади<sup>2</sup>.

ЭҲМ учун яратилган дастур объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида компьютер шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич матн деганда, бирорта дастурлаш тилида ёзилган, бирон-бир компилятор қайта ишламаган матн тушунилади. Объект коди эса, бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур саналади.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган ҳолда компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан компьютер хотирасига ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. Компьютер хотирасига ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта компьютер ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса), қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда, 9-сон, 165-модда.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. –Т.: 2006. -341 б.

-компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга. Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг адаптацияси деганда, юзага келган муайян шароитда компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ишлашини таъминлаш мақсадидагина амалга ошириладиган ҳамда (декомпиляция қилиш оқибатида) муаллифнинг бошланғич матни ўзгаришига олиб келмайдиган қўшимчалар киритиш ҳисобланади.

-компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив мақсадларигагина мўлжалланган тақдирда ва қонуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб қолган (Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўқолиб қолган, йўқ қилинган ёки яроқсиз ҳолга келган) тақдирда ўзлари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топшириқ беришга. Бунда Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юқорида айтиб ўтилган мақсадлардан бўлак мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас ва компьютер учун яратилган ушбу дастурдан ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш қонуний бўлмай қолса, улар йўқ қилиниши лозим.

Компьютер учун яратилган дастур нусхасига ҳақли равишда эгалик қилаётган шахс мазкур дастурнинг кодланиши ва тузилишини ўрганиш мақсадларида уни муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган тақдирда ёки қуйидаги ҳолларда бундай розилик бўлмаса ҳам декомпиляция қилиши мумкин, агар:

-декомпиляция қилиш натижасида олинган ҳамда мазкур шахс томонидан ишлаб чиқилган дастурнинг компьютер учун яратилган бошқа дастурлар билан ўзаро ҳамкор ишлаши учун зарур ахборотни бошқа манбалардан олиш мумкин бўлмаса. Бунда декомпиляция қилиш деганда, компьютер учун яратилган дастурнинг таркибий тузилиши ва кодланишини ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич матнга айлантиришни ўз ичига оладиган техникавий усул тушунилади.

- компьютер учун яратилган дастурнинг фақат бундай ҳамкор ишлашини йўлга қўйиш учун зарур бўлган қисмларининг ўзи декомпиляция қилинаётган бўлса;

-декомпиляция натижасида олинган ахборотдан ифодасига кўра компьютер учун яратилган, декомпиляция қилинаётган дастурга жуда ўхшаш бўлган компьютер дастури ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ёки тарқатиш учун фойдаланилмаса ёхуд бундай ахборот

муаллифлик ҳуқуқини бузадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш учун ишлатилмас.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш) уларни адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш ҳисобланади.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олишда эса, компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни компьютернинг хотирасига ёзиш тушунилади.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тарқатиш деганда компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш тушунилиши лозим.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини босиб чиқариш (эълон қилиш) компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхаларини муаллифнинг розилиги билан номуайян шахслар доирасига бериш (шу жумладан компьютер хотирасига ёзиш ва босма матн чиқариш йўли билан бериш) ҳисобланади.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш бу уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга оширишдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб эътироф қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, компьютер учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритилган. Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий ҳимоя ҳар

қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган компьютер учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади.

Бугунги кунда Интернет миллионлаб компьютер ва тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳажмдаги ахборотни ўз ичига мужассамлаштирган. Ҳар дақиқада компьютерлардаги ахборот ҳажми ва ундан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Интернет технологияларининг яратилиши фойдаланувчиларга турли манбалардан тез ва осон йўл билан ахборот олиш имкониятларини берди. Бу имкониятлардан фойдаланувчи давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алоҳида шахслар ахборотни ҳам электрон шаклда яратиш, ҳам сақлай бошладилар. Бундай ҳолатда ахборотни сақлаш физик сақлашга нисбатан катта қулайликлар туғдиради: сақлаш жуда ихчам, узатиш эса, бир онда юз беради ва тармоқ орқали бой маълумотлар омборларига мурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг<sup>1</sup>. Мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкинлиги ҳисобга олган ҳолда ушбу масалага батафсил тўхталиб ўтмадик.

## **1.2. Компьютер дастурларининг фуқаролик ҳуқуқи объектлари тизимида тутган ўрни**

Замонавий тараққиёт фуқаролик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкнинг янгидан-янги объектлари вужудга келишини таъминлаб бермоқда. Компьютер дастурлари шулар жумласидандир.

Компьютер дастурларининг дастлабки пойдевори унинг алгоритми ҳисобланади. Алгоритм сўзи ва тушунчаси 9 асда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг арифметикага бағишланган “Ал-жабр ва ал-муқобала” номли асарида ўзининг батафсил ифодасини топган. Бугунги кундаги компьютер дастурларининг бошланғич пойдевори, ғояси, мазмуни айнан буюк аждодимиз

---

<sup>1</sup> Тавбоев С.А. Интернет ва унда ахборот ахборот хавфсизлиги муаммоси. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004. -65 б.

Ал-Хоразмий томонидан қўйилган эди. Лекин, замон силсилаларидан ўтиб, илмий тараққиёт ортда қолиш натижасида бу ғоялар китобларда қолиб кетган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бизлар - мустақил Ўзбекистоннинг фарзандлари ўтмишда аجدодларимиз қолдирган меросдан унумли фойдаланиб, уларга муносиб фарзанд бўлишимиз давр талабидир. Дунё ҳамжамияти биздан фақатгина аجدодларимиздан фахрланиш, ғурурланишни эмас, балки амалда ҳақиқатан ҳам буюк инсонларнинг аждодлари эканлигимизни ахборот технологиялари борасида эришиладиган ютуқларимиз билан исботлашимиз керак бўлади.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш воситаси сифатида компьютер дастурларидан унумли фойдаланилмоқда. Мавжуд компьютер дастурлари фақатгина компьютерни ишлатиш учунгина эмас балки, инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Замонавий дастурлар функционал, динамик хусусиятга эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳасида – иқтисодий, илмий, таълим ва маиший жабҳаларда кенг ишлатилмоқда.

Компьютер дастурларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Компьютер дастурларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлани етарли даражада тартибга солинмаганлиги уларни ривожланишига тўсиқ бўлади ва бугунги халқаро ахборот тизимига интеграциялашув жараёнида мамлакатни қийин аҳволга солиб қўяди. Компьютер дастурларини муомалада бўлишини ҳуқуқий тартибга солишнинг концепциясининг яратилиши эса миллий ахборот технологияларининг ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Амалдаги қонунимизда компьютер дастурига қуйидагича таъриф берилган. Компьютер дастури - муайян натижа олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади.

Компьютернинг ишлаши учун фақатгина патент ҳуқуқи билан муҳофаза этиладиган техник воситаларгина эмас, балки инсон ижодий фаолияти натижалари ҳам зарур бўлади. Компьютер дастури компьютернинг ишлаши учун мўлжалланган бўлиб алгоритмнинг

муайян кетма-кетлиги қоидалари асосида буйруқни бажаради ҳамда дастурсиз компьютер “ўлик жон” ҳолида бўлади.

Замонавий компьютер дастури муайян мақсадга эришиш учун тузилиб, токи у муайян вазифани ечишга мўлжалланмаган экан, унинг ҳеч қандай қиммати бўлмайди. Дастур нафақат компьютерни ишлашини балки, унинг ёрдамида муайян натижаларга эришишни ҳам таъминлайди.

Компьютер дастури инсон интеллектуал салоҳияти натижасида яратилиб, доимо интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Бундай натижага ўйлаш, фикрлаш ва оқилона идрок қобилиятларини ишлатмасдан туриб эришиб бўлмайди. Мазкур хусусиятлар барча интеллектуал мулк объектлари учун хос ва айрим қўшимчалар билан уни компьютер дастурлари учун ҳам татбиқ этиш мумкин. Объектив шаклда ифодаланган компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқий нормалар татбиқ этилади. Объектив ифодаланиши компьютер дастурининг ички, асосий ажралмас белгиси ҳисобланиб, объектив шаклсиз моҳиятсиздир, чунки дастур “тушунарли” шаклга эга бўлмас экан компьютер томонидан қабул қилинмайди. Объектив шаклда ифодаланган дастур ижтимоий қийматга эга – агар дастур техник восита ёрдамида қабул қилинса, демак унинг умумий шакли инсон томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Объектив ифодаланиш хусусияти дастурни ҳимоя қилиш мезонидан бири ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқининг бошқа объектларидан фарқли равишда компьютер дастури ўзининг объектив ифодаланиш шаклига кўра ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, асар инсон томонидан идрок этиладиган исталган шаклда (оғзаки, ёзма, тасвирий ва ҳ.к.) ифодаланади. Компьютер дастури эса, муайян дастурлаш тилида ёзилган, компьютер томонидан қабул қилинадиган ахборотда ифодаланади. Ҳуқуқий ҳимоя дастур асосида ётувчи ғояларга, тамойилларга (алгоритмларга), объектнинг мазмунига эмас, балки, дастурнинг объектив шаклига татбиқ этилади.

Компьютер дастури аниқ шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан яратилиб, ҳар қандай дастур ўзининг аниқ муаллифига эга. Дастурнинг муаллифи бўлиб махсус билимга эга бўлган, жинси, ёши ёки ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин. Дастурни тузиш жараёнида махсус билимга эга бўлишлик амалий нуқтаи назардан муҳим ва бу ҳолатда ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилиқ мезони сифатида кўрилиши

мумкин эмас. Бу ҳолатни “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги қонуннинг 10-моддасида “Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади” деб кўрсатиб ўтилган.

Компьютер дастури интеллектуал мулк объекти сифатида учинчи шахслар томонидан қайта такрорланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>1</sup> ги 2006 йил 20 июль қонунда кўрсатилишича, такрорлаш деганда, асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг ёхуд улардан бир қисмининг ҳар қандай усулда ва ҳар қандай моддий шаклда бир ёки ундан кўп нусхаларини тайёрлаш, шу жумладан икки ўлчовли асарнинг бир ёхуд ундан кўп нусхаларини уч ўлчовда ҳамда уч ўлчовли асарнинг бир ёки ундан кўп нусхаларини икки ўлчовда тайёрлаш, ЭҲМ ва бошқа электрон қурилмалар хотирасига ёзиб олиш тушунилади.

Айрим муаллифлар томонидан қайта такрорлаш алоҳида хусусият сифатида кўрсатиб ўтилмайди, шунга кўра, мазкур хусусият объектив шакл билан бирга кўрилади<sup>2</sup>, деб таъкидланади. Мазкур хусусият интеллектуал маҳсулотларнинг асосий хусусияти – моддий элгувчисидан алоҳида ҳолда тарқатиш имконияти “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгаллиги ҳуқуқи билан алоқадор эмас” деб нормаланган ва бу дастурга хос бўлган хусусият сифатида кўрилиши керак.

Компьютер дастури муаллифнинг, яратувчининг шахсини, усулларини, турли хил алгоритмлар ва маълумотларни, ҳар хил кўринишларини ифодалайди. Компьютер дастуридан фойдаланишда ўз олдига қўйган вазифани сифатли ва тез еча оладиган дастурга устуңлик берилади. “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига

<sup>1</sup> Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности. –М.: Проспект. 1996. -148 б.

нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади, деб нормаланган. Бунда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади. Айрим муаллифларнинг фикрича, ижодийлик- бир хил маъноли бўлмаган тушунча ва шаклан ноаниқ, шунинг учун фаолиятнинг ижодийлигини амалда исботлаш мумкин эмас. Шунинг учун юридик фанда ижодийлик тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, унинг ўрнига интеллектуал фаолият тушунчаси қўлланилиши лозим<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда нафақат компьютер дастурини ҳуқуқий ҳимоя қилиш балки, компьютер дастури ёрдамида яратиладиган масалан, шеър, мусиқа, ҳар хил графикадаги расмларга нисбатан ҳуқуқлар кимга тегишли бўлиши ҳақида ҳам баҳслар мавжуд. О.Оқюловнинг фикрича, ҳозирда сунъий интелект томонидан яратилган ижодий фаолият маҳсуллари ўзининг бадиий қиймати, етуқлик даражаси бўйича инсониятнинг даҳо ижодкорлари томонидан дурдона асарлар жумласига кирмайди. Шунингдек, сунъий интелект ижодкорнинг энг муҳим хусусияти-интуиция, яъни фаҳм-фаросатдан маҳрум, яна бунинг устига сунъий интелект «ақлли» инсон томонидан аввалдан дастурий таъминланган, демак чегараланган. У ҳолда сунъий интелект яратган шеърга нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар кимга тегишли бўлади деган савол вужудга келади. Сунъий интелект ҳуқуқ субъекти эмас, у ўз эрки иродаси, манфаатларива мустақил онгига эга эмас. Демак, сунъий интелект субъект эмас, объект экан, у ҳолда у яратган асарларга нисбатан ким ҳуқуқ субъекти бўлиши қонунларда белгилаб қўйилганми деган масалани ҳал қилиш лозим бўлади.

Қонунда алоҳида кўрсатиб ўтиладики, компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Компьютер дастури интеллектуал мулкнинг алоҳида объекти сифатида ўзида бир қатор аниқ объектларни масалан, дастур, мультимедиа, интерфейс, маълумотлар базаси, дастурий мажмуаларни жамлаши мумкин. Мазкур объектлар миллий қонунчилигимизда

<sup>1</sup> Усольцева С.В. Результаты интеллектуальной деятельности как правовая категория: автореф. дис... канд. юрид. наук. –Томск. 1997.

тўғри ва батафсил ҳуқуқий тартибга солинса ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим восита бўлар эди.

### **1.3.Маълумотлар базаси тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш**

Бугунги ахборот технологиялари ривожланган шароитда маълумотлар базаси йирик иқтисодий қийматга эга бўлганлиги боис одатдаги нашр этилган тўпламларни сиқиб чиқариб ахборот бозорида етакчи бўлиб бормоқда.

Сир эмас, ўтган асрдаёқ кўпгина мутахассислар томонидан ХХI асрда энг қимматбаҳо ва талаб кучли бўлган ресурс – бу ахборотлар бўлиши таъкидланган эди. Илм-фан ва ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида янгидан-янги объектлар яратилиб, жадаллик билан фуқаролик муомаласига кириб келмоқда. Ахборотларнинг ўзига хос кўриниши бўлган маълумотлар базаси ҳам шулар жумласидандир. Кейинги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатлар маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилиш шартларини ўзгартиришга интилишмоқда. Хўш, Ўзбекистонда маълумотлар базаси қандай ҳуқуқий ҳимоя қилинади?

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунга мувофиқ, маълумотлар базаси бу объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Маълумотлар базаси учун фактик маълумотларни ёки асарларни тўплаш ўз ҳуқуқий режимига кўра “тўплам”га тенглаштирилади. Барча тўпламларда бўлгани сингари ижодий фаолиятнинг натижаси мазкур маълумотлар муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланишидан қатъий назар, маълумотларни ўзига хос тарзда танлаш ва ташкиллаштиришда намоён бўлади. Тўпламларнинг электрон версиялари маълумотлар базаси деб номланади.

---

<sup>1</sup> “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” ги 1994 йил 6 май қонуни (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни).

Маълумотлар базаси инглизча “database”<sup>1</sup> сўздан олинган бўлиб, ушбу тушунчалар муайян қоида асосида танланган ва тартибга солинган ҳамда компьютер ёрдамида қайта ишланадиган маълумотлар массивини ифодалайди.

Бугунги кунда «West law», «LexisNexis», «Гарант» каби маълумотлар базаси ҳуқуқий ахборот тизимидан, электрон кутубхоналардан, масалан, «Cornell University Library» ва кўпгина мамлакатларда ҳуқуқий ахборот тизимлари амалда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари “On line” (интернет муҳитида ишлайдиган) электрон справочниклар, луғатлар (масалан, «Lingvo», «Promt» луғати), библиотекалар, халқаро ташкилотлар, давлат органлари, хусусий компаниялар ва ҳ.к.лар сайтидаги маълумотлар базасидан кундалик фаолиятда кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “On line” яъни, интернет муҳитида ишлайдиган “Lex.uz” сайти ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда амалдаги қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари жамланган бўлиб, керакли меъёрий ҳужжатни тез қидириб топиш ва ишлов бериш имконияти мавжуд. Мазкур ҳолатни аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлаш ўринли бўлади.

Мамлакатимизда муайян даражада электрон ахборот базалари яратилган (масалан, Norma, Pravo кабилар). Яқинда эса 120.000 сўзни ўзида жамлаган “Ibora” дастури истеъмолга чиқарилди. Бир қатор давлат органлари, олий ўқув юрглари ҳам бугунги кунда ўз интернет сайтларига эга бўлиб, уларда мазкур ташкилотлар ҳақида кўплаб маълумотлар акс этган. Шу маънода маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Хўш, маълумотлар базасининг қандай афзалликлари бор? Маълумотлар базаси ниҳоятда қулай маълумот манбаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида зарур ахборот тезда топилиши мумкин, ахборотлар амалда муайян ҳажм билан чегараланиши мумкин эмас. Чоп этилган нашрлардан фарқли равишда осон ва нисбатан арзон қўлланилиши мумкин. Ҳажм жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ахборотларни моддий элтувчида мужассамлаш уни нашр этишга унчалик кўп маблағ талаб

<sup>1</sup> Мазкур тушунча кўпгина мамлакатлар қонунчилигида ўзининг қонуний ифодасини топган. Масалан, АҚШ кодекси 17 - китоб, 1 - боб, 101-моддасида; Буюк Британиянинг (1988 йилги) Муаллифлик ҳуқуқи ва дизайн ва патентларга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги Актнинг 1 бўлими 1-боби, 3-моддаси “а” банди; Европа Иттифоқида маълумотлар базаси тушунчаси 96/6/ЕС Директиваси 1-моддаси, 2-бандида; ҳамда Европа Иттифоқи иштирокчиси масалан, Франция Интеллектуал мулк кодексининг (1998 йил 1 июлдаги тахририда) 3 китоби, 4-қисмида берилган.

этмайди (масалан, CDларнинг нархи бугунги кунда унчалик қиммат эмас). Маълумотлар базасидаги ахборотлар рақамли шаклда бўлиб, осонгина намойиш этиладиган, кўпайтириладиган, жўнатиладиган, шунингдек бошқа шаклга ўтказирилиши (масалан, китоб ҳолида нашр этилиши) мумкин. Унда гиперматн<sup>1</sup> ҳаволалари ҳам ишлатилиб, унинг ёрдамида дарҳол маълумот олиниб, янги қизиқарли бўлган бўлимга ўтиш имкони мавжуд. Маълумотлар базаси локал тизим орқали (муайян доирадаги шахсларга) ёки Интернет воситасида (номуайян доирадаги шахсларга) тезда тақдим этиш имконияти мавжуд.

Жаҳон амалиётида маълумотлар базасини ҳимоя қилишнинг бир нечта асосий усуллари мавжуд. Маълумотлар базаси деярли бутун дунёда анъанавий равишда муаллифлик ҳуқуқи билан тўпламларнинг –асарларнинг бир тури сифатида муайян мезон асосида материаллар йиғиш ва мазкур материалларни қабул қилиш учун енгиллик яратадиган даражада бажарилганлиги учун ҳимоя қилинади<sup>2</sup>. Муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан маълумотлар базаси бошқа асар сингари фақатгина ижодий меҳнат натижасида яратилган бўлсагина ҳимоя қилинади.

Халқаро миқёсда маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинишига асос бўлиб Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси<sup>3</sup> (1886 йилда тузилган, 24 июл 1970 йилда таҳлил қилинган) ҳисобланади. Унинг 2-моддаси 5-бандида адабий ва бадий асарлар тўплами уни ифода этиш усулидан қатъий назар ҳимояси белгиланган. Миллий қонунчиликда маълумотлар базасига ҳам компьютерлаштирилган тўпламларнинг бир шакли сифатида оддий тўпламлар сингари ўхшаш ҳуқуқий ҳимоя қўлланилади. Унинг 2-параграфи 10-моддасига кўра, интеллектуал мулк билан боғлиқ ҳуқуқлар тўғрисидаги келишув (ТРИПС) БСТ доирасида, (унга 144 давлат иштирокчи) иштирокчи давлатлар зиммасига маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиш юклатилган.

<sup>1</sup> Гиперматн ҳавола (русча гипертекстовая ссылка) – электрон ҳужжатда компьютер ёрдамида тадқиқ этиладиган матннинг ёки график тасвирнинг ажратилган қисми бўлиб, унга ўтилганда дарҳол бошқа ахборотни ўрганиш имконияти юзага келади.

<sup>2</sup> Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист. 2003. №11. 47-б.

<sup>3</sup> Мазкур халқаро ҳужжат 1886 йил 9 сентябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида ишлаб чиқилган (38 моддадан иборат) бўлиб, муаллифлик ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида “Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн Конвенциясига 2005 йил 19 январда қўшилди ва шу йилнинг 19 апрелдан бошлаб амалга киритилди. Мазкур Конвенцияга бугунги кунда 159 мамлакат аъзо бўлган.

Айрим олимлар маълумотлар базаси амалда интеллектуал фаолият натижаси бўлиб ҳисобланмаганлиги боис, муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>. Масалан, шаҳар телефон справочниги – бу телефон тармоғига уланган абонентлар ҳақидаги маълумотларни оддий тўплашдан иборат.

Амалиётга мурожаат этадиган бўлсак, “Фист паблшинг” компаниясининг “Рурал телефон сервисез”га қилган даъвоси бўйича суд телефон справочнигини тузувчиларнинг меҳнати ижодий фаолият натижаси бўлмаганлиги боис, хатто мазкур телефон справочниги интеллектуал мулк объекти сифатида расмий рўйхатдан ўтган бўлишига қарамасдан ҳимоя қилинмайди, деб топди<sup>2</sup>.

Замонавий маълумот базаларининг хусусияти шундаки, уларни яратиш ва доимий такомиллаштириш учун тузувчилар муайян маънода ижодий бўлмаган инвестиция сарфлайдилар. Бу ерда маълумотлар базасига сарфланган инвестиция деганда маълумотлар базасини тузувчининг меҳнати, молиявий, техник ёки исталган бошқа ҳаражатлари тушунилади<sup>3</sup>. Масалан, ўзида сўнгги 100 йил ичида қабул қилинган қонун ва қонуности актларини жамлаган компьютер ҳуқуқий базасини яратиш учун кўп маблағ сарф қилинади. Муайян маънода бундай маълумот базасига нисбатан ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари шартнома ҳуқуқи билан ҳам ҳимоя қилинади. Агарда база “On line” муҳитида ишласа, фойдаланувчи базага кириш учун кодни олғунига қадар шартнома тузиши керак бўлади. Бошқа тарафдан олиб қараганда, агарда база компакт дискка ёзилиб дўконларда сотилса, ҳар бир харидор билан шартнома тузиш учун имконият бўлмайди. Маълумотлар базасини тузувчилар (матн ҳолида ёзилган ёки компакт дискда чиқарилганлигидан – унинг шаклидан қатъий назар) уларга нисбатан ҳуқуқлари ҳимояланиши хоҳлашади. Келгусида БИМТ маълумотлар базасини ҳимоя қилиш бўйича мустақил халқаро шартномани ишлаб чиқиши мумкин. Эҳтимол, мазкур шартномага 1996 йил март ойидаги Европа Иттифоқининг маълумотлар базасини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Директиваси қоидалари ҳам киритилиши

<sup>1</sup> Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. –М.: Юристь. 2000. –С.327.

<sup>2</sup> Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист, 2003, №11.; Мазкур позиция кейинги қарорларда ҳам сақланиб қолган. Arica Institute, Inc. v. Palmer, 970 F.2d 1067 (2d. Cir. 1992); Key Publications v. Chinatown Today Pub. Ent, 945 F.2d 509 (2d. Cir. 1991); Victor Lalli Enterprises v. Big Red Apple, Inc., 936F.2d671 (2d. Cir. 1991); Mason v. Montgomery Data, Inc., 967 F.2d 135 (5thCir. 1992); BellSouth Advertising & Pub. v. Donnelley Inf. Pub., 933 F.2d 952(11th Cir. 1991); BellSouth Adv. & Pub. Corp. v. Donnelley Info. Pub., 999 F.2d 1436 (11 th Cir. 1993); Cable News Network v. Video Monitoring Services, 940F.2d 1471 (11th Cir. 1991)/Ralph C Losey. 1995.

<sup>3</sup> Европа иттифоқининг 11.03.1996 даги (№ 96/9/ЕС.) Директиваси преамбуласи 7 банди.

мумкин. Мазкур Директивага мувофиқ, гарчи маълумотлар базаси муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмаса ҳам, муайян маънода куч сарфланишининг натижаси бўлгани учун маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш 15 йил этиб белгиланган. Маълумотлар базасидан фойдаланувчилар мазкур базанинг катта бўлмаган ҳажмдаги қисмидан эркин нусха олиши ва фойдаланиши мумкин. Агарда маълумот базасини тузувчиси унга асосий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритса, у ҳолда модификацияланган база кейинги 15 йилда ҳам ҳимоя қилинади<sup>1</sup>.

Шундай бўлса-да, исталган тўпламни яратиш учун меҳнат қилган шахс албатта етарли даражада мукофот олиши ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиниши учун ҳаракат қилади ва унга муаллифлик ҳуқуқи унинг меҳнатини ижодий ёки ижодий эмас деб баҳолаши аҳамиятга эга эмасдек. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий ҳимоя остига олинмаган объектдан иқтисодий маънода фойдаланиш, уни тасарруф этиш қийинчиликларни юзага келтиради. Бу эса, маълумотлар базасини яратувчилар учун ноқулай вазият бўлиб, келгусида қизиқишларини сўндириши мумкин.

Бугунги кунда дунё амалиётида маълумотлар базасини ҳимоя қилишда шартнома ҳуқуқи тижорат сири, фирром рақобат ва асосиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларга доир нормалар ҳам қўлланилмоқда<sup>2</sup>.

Яқинда Европа амалиётида маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мустақил институти - *sui generis* вужудга келди ва илмий доирада *database right*<sup>3</sup> - маълумотлар базасига бўлган ҳуқуқ деб номланади. Маълумотлар базасига нисбатан мазкур ҳуқуқ ижодий бўлмаган ҳолда яратилган маълумотлар базасининг асосий қисмини ёки қисмларидан уни тузувчининг рухсатсиз фойдаланишни таъқиқлайди. Маълумотлар базасига бўлган ҳуқуқни жорий этилиши жамоатчилик томонидан бир хил баҳоланмади. Бир томондан “ижодий фаолият натижаси бўлмаган” маълумотлар базасининг ҳимоя қилиниши уни тузувчиларнинг бу соҳадаги кейинги фаолиятлари учун ҳамда омма учун фойдали бўлган билимларни тизимлаштириш ва тўплаш соҳасидаги касбий маҳоратини ўсишига туртки бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. –М.: Юристъ. 2000. –С.327.

<sup>2</sup> Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист, № 11. 2003 й. 47 бет.

<sup>3</sup> The New Database Right: Early Case Law from Europe. P. Bernt Hugenholtz. [<http://www.ivir.nl/publications/hughenholtz/fordham2001.html>].

АҚШда маълумотлар базаси 1) муаллифлик ҳуқуқи; 2) тижорат сирини институти; 3) шартнома ҳуқуқи; 4) гайриқонуний рақобат тўғрисидаги қонунчилик; 5) асосий бойлик орттириш тўғрисидаги қонунчилик билан ҳимоя қилинади<sup>1</sup>.

Маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилишда АҚШда ва Ўзбекистон Республикасида ўхшаш мезон қўлланилади. Асосий мезон бўлиб тузувчининг ижодий хусусиятга эга бўлган меҳнати ҳисобланади. АҚШда бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда ҳуқуқий ҳимоя шаклан ҳимоя қилинадиган, яъни тугалланган объектив шаклга эга бўлган ва муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида рўйхатдан ўтказилган маълумотлар базасига нисбатан татбиқ этилади<sup>2</sup>.

Маълумотлар базасига бўлган ҳуқуқни ёки мазкур ҳуқуқни бузилиш фактини судда исботлаш жараёнини енгиллаштириш учун маълумотлар базасини яратишда ўзларига маълум бўлган ҳолда ахборотларда унчалик аҳамиятга эга бўлмаган хатоларни мавжуд бўлишига йўл қўяди ва бу ҳақида фақат тузувчиларнинг ўзигина билади. Маълумотлар базасидан ноқонуний равишда нусха олинганда мазкур хатоларни ҳам кўчириб олади. Иккиламчи нусхадан эса уларни топиш ва шу билан оригиналдан олинганлигини исботлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Масалан, «Rockford Map Inc.» компаниясининг телефон справочнигида исмларнинг Ф.И.Ш.ни ёзишда хатолик мавжуд бўлади ва муайян тартибда справочникни кўрганда ношир-компаниянинг номи ҳосил қилинган, бу ҳолат ноқонуний нусха олинганликнинг сўзсиз исботи бўлиб хизмат қилган<sup>3</sup>.

Маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикасида “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, муайян шартларга жавоб берса муаллифлик

<sup>1</sup> Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист, № 11. 2003 й. 49 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базаларини Рўйхатга олиш тартиби тўғрисида. Рўйхатдан ўтказиш учун матн ҳолидаги машина коди ва дастур матни ҳам илова қилинади. Дастурнинг ва маълумот базасининг нусхаси депонлаштирилади, ахборот янгиланиб турилиши натижасида рўйхатга олинганлик муайян муддатга узайтирилади. Шунингдек, ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш учун энг кам ойлик иш ҳақи 5 баравари миқдорида, хорижий валютада (АҚШ доллари) 420 доллар, шунингдек, бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни буюртманомалар бериш билан бир вақтда тақдим этишлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур иловага мувофиқ, маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш, маълумот базалари учун дастурга барча мулкӣ ҳуқуқларни бошқага тўлик бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар базалари учун дастурга мулкӣ ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш, Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш учун ҳам бож ставкалари белгиланган.

<sup>3</sup> Rockford Map Pub. v. Dir. Service Co. of Colorado, 768 F.2d 145, 147 (7th Cir., 1985).

ҳуқуқи объект сифатида ҳимоя қилиниши мумкин. Агар асар муаллифлик ҳуқуқи объект сифатида тан олинса, демак унга фуқаролик, маъмурий ва жинойт қонунчилиги томонидан ҳам бошқа муаллифлик ҳуқуқи объектлари сингари ҳуқуқий ҳимоя жорий қилинади.

Маълумотлар базаси муаллифлик ҳуқуқининг объект сифатида тан олинishi учун икки мезонга яъни, 1) маълумотлар базаси ижодий ташкиллаштирилган бўлиши ёки (ижодий бўлган) элементларни танлаши ва 2) маълумотлар базаси тузилаётганда ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган фан, адабиёт ёки санъат асарлари муаллифларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги лозим. Агарда маълумотлар базаси мазкур шартларга жавоб бермаса, у ҳолда муаллифлик ҳуқуқининг объект ҳисобланмайди ва ҳимоя қилинмайди. Оқибатда унинг муайян қисмидан ҳам бутунлигича ҳам эркин фойдаланиш мумкин бўлиб қолади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, муаллифлик ҳуқуқининг вазифаси учун маълумотлар базаси – бу фақат маълумотларни ифода этиш *шакли* бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини ифодаламайди. Маълумотлар базаси шакли деганда ҳар қандай маълумот базасининг таркиби ҳисобланган - уни ифода этиш, ташкил этиш ёки элементларни танлаб олиш тушунилади<sup>1</sup>. Маълумотлар базаси учун зарур бўлган материални танлаш ва танлашни ташкил этиш токи акси исботланмагунга қадар ижодий фаолият бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик хусусида тўхталиб ўтсак. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, маълумотлар базасини тузувчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун айбдор шахс фуқаролик, маъмурий ёки жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий хусусиятини 1) муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда яратилган маълумотлар базаси ҳуқуқий ҳимоя қилинмаслигида; 2) асосан таъқиқловчи ва қоплаш характерида эканлигида кўришимиз мумкин. Буларга, ҳақиқий муаллифнинг ҳуқуқларини тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, ҳуқуқ бузилишига ёки бузилиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳаракатларни тўхтатишга, зарарни шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаш; ҳуқуқбузарнинг муаллифлик ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида олган фойдасини зарарни қоплаш ўрнига ундириб олиш, қонун билан ўрнатилган ва суд ёки хўжалик суди қарори билан белгиланадиган

<sup>1</sup> Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист, № 11. 2003 й. 48 бет.

суммада фойдани ундириш ёки зарарни қоплаш ўрнига компенсация тўловини тўлаш ва ҳ.к.

Суд маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Шунингдек, маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд давъовгарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари суд ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунда белгиланган бошқа чораларни ҳам қўллашга ҳақли.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, маълумотлар базасини ҳимоя қилишда нафақат муаллифлик ҳуқуқи балки, тижорат сири, фирром рақобатга қарши кураш, шартнома ҳуқуқи институтларини ҳам уйғунликда қўллаш чорасини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотлар базаси яратилаётган вақтдаёқ келгусида ҳуқуқ бузилиш ҳоллари вужудга келганида маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқлар мавжудлигини ёки бу ҳуқуқнинг бузилганлигини исботлаш жараёнини енгиллаштирувчи чоралар кўрилса оқилона иш бўлар эди.

Келгусида Ўзбекистон Республикасида ҳам маълумотлар базасини ўзига хос тарзда танлаш, ташкиллаштириш ёки ахборотни жойлаштириш тизими тарзида ижодий меҳнат сарфланмаган бўлсада, муайян вақт ва материал ресурслари сарфланганлиги боис алоҳида ҳимоя қилишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ўз моҳиятига кўра маълумотлар базаси турдош ҳуқуқ объектларига яқин ҳисобланганлиги боис уларнинг ҳуқуқий режими фонограммалар ва эфир ёки кабел орқали эшиттиришлар режими сингари белгиланиши мумкин.

## **II-БОБ. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАР МАЗМУНИ**

### **2.1. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш асослари**

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” ги 1994 йил 6 май қонунига мувофиқ, компьютер дастурлари муаллифлик ҳуқуқининг объекти сирасига киритилганлиги боис, у яратилган вақтдан бошлаб унга нисбатан ҳуқуқлар вужудга келади ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Ҳуқуқий ҳимоя барча турдаги дастурларга нисбатан жумладан, вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, компьютер учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади. Бунда компьютер дастури исталган дастурлаш (масалан, “Visual Basic”, “C++” “Java”, “Delphi” ва ҳ.к.) тилида ва исталган шаклда ифодаланиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқининг тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, албатта ҳуқуқий ҳимоя компьютер дастури ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, усуллар, жараёнлар, тизимлар, воситалар, фактлар, концепцияларга, дастурлаш тилларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи унинг моддий элтувчиси (дискета, винчестер, компакт-диск)га нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Моддий элтувчига нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши компьютер дастурига нисбатан ҳуқуқларни ўтишига олиб келмайди.

Маълумки, муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши учун асарни рўйхатдан ўтказиш, бошқа усулда махсус рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа расмиятчиликларга риоя қилиш талаб этилмайди. Компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқи нормаси билан ҳимоя қилинганлиги боис, муаллифлик ҳуқуқи яратилиш факти остида вужудга келади. Шу сабабли компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи у яратилгач, вужудга келади.

Компьютер дастурини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқ эгасининг розилиги билан амалга оширилади ва у ҳуқуқни вужудга келтирувчи аҳамиятга эга эмас. Лекин, шундай бўлсада, дастурий таъминотга нисбатан бўлиши мумкин бўлган турли хил талаблардан ҳимояланиш учун, компьютер дастуридан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун уни давлат рўйхатидан ўтказиб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки муаллифлик ҳуқуқи биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказирган шахсга тегишли бўлади.

Компьютер дастурини рўйхатдан ўтказиш муаллифлик ҳуқуқий ҳимоянинг мажбурий шarti бўлиб ҳисобланмайди<sup>1</sup>. Рўйхатдан ўтказиш муаллифлик ҳуқуқи амал қиладиган муддатда ихтиёрий бўлиб ҳисобланади ва исталган вақтда амалга оширилиши мумкин. Компьютер дастурлари комплекс ҳолда мавжуд бўлса, яъни, мустақил фойдаланилиши мумкин бўлмаган бир неча дастурлардан иборат бўлса, бундай ҳолда мазкур дастурлар биргаликда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши уни қандайдир расмийликларга дуч келишидан ҳимояланган. Шу боис компьютер дастурига муаллифлик ҳуқуқи эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмийликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида компьютер дастурини биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган "С" ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); компьютер дастури биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин.

Рўйхатдан ўтказилган компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга берилиши тўғрисидаги шартнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер, 2003. -272 с.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

Қонунда кўрсатилишича, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади. Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан овоз қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш мақсадида, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Патент божлари тўғрисидаги Низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида”<sup>1</sup> ги Қарорининг 2-Иловасига мувофиқ, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмӣ ахборотномада эълон қилиш, ЭҲМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкӣ ҳуқуқларни бошқага тўлиқ бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурга мулкӣ ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш, Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш учун бож ставкалари белгиланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Патент божлари тўғрисидаги Низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 20 апреля 2006 й. N 65 Қарорига 2-Илова.

<sup>2</sup> Масалан, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш учун энг кам ойлик иш ҳақи 5 баравари миқдорида, хорижий валютада (АҚШ доллари) 420 доллар, шунингдек, бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни буюртманомалар бериш билан бир вақтда тақдим этишлиги белгиланган. Мазкур иловага мувофиқ, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмӣ ахборотномада эълон қилиш, ЭҲМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкӣ ҳуқуқларни бошқага тўлиқ бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурга мулкӣ ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш, Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш учун ҳам бож ставкалари белгиланган.

Қонунда компьютер учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкый ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилиши белгиланган.

Мазкур Иловада ноаниқлик мавжуд. Масалан, энг кам ойлик иш ҳақи ва хорижий валютада (АҚШ доллари) ҳисобида амалга ошириладиган тўлов бир-бирига пропорционал тарзда ифодаланмаган.

Россия Федерациясида рўйхатдан ўтказиш учун тўловлар юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида белгиланган. Масалан, жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,3 баравари миқдорида, юридик шахслар учун эса 3,2 баравари миқдори белгиланган<sup>1</sup>. Шунингдек, тезкор рўйхатдан ўтказиш талаб этилганда унинг миқдори ўзгариши мумкинлиги белгиланган.

Компьютер дастури листингини бир неча бетдан иборат ҳажмда, дастурнинг у ёки бу қисми листинг таркибига тижорат сирини ёки “ноу-хоу” жумласига кирганлиги боис киритилмаганлигини кўрсатган ҳолда тақдим этиш мумкин. Масалан, “Копирайтер” дастурини рўйхатдан ўтказиш учун муаллифлар томонидан бор-йўғи 3 бет листинг тақдим этилган<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, агарда рўйхатдан ўтказилаётган компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши мумкин бўлган тасвир ёки мусиқа асарини ўзида мужассамлаган бўлса, бундай дастурни айнанлиги текшириладиган ҳужжат таркибига у билан бирга айнанлиги текширилиши учун бирга топшириш лозим.

Агарда ҳужжатларни текшириш натижаси ижобий бўлса мазкур компьютер дастури “ЭХМ дастурлари реестри”га киритилади, ариза берувчи эса (бу ерда ариза берувчи муаллиф ҳам ҳуқуқ эгаси ҳам бўлиши мумкин-муаллиф) расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома олади.

Хорижда компьютер дастурларини рўйхатдан ўтказириш масаласига тўхталадиган бўлсак, масалан АҚШда энг машҳур бўлган АҚШ Конгресси кутубхонаси мавжуд. Бу ташкилот Кутубхона таркибига кирувчи муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси

<sup>1</sup> Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер, 2003. -272 с.

<sup>2</sup> <http://www.intemet-law.ru/copyrighter>




бўлиб ҳисобланади. Бу ташкилотда рўйхатдан ўтказишлик АҚШ территорияси шунингдек, унинг ташқарисида ҳам кўпгина муаммоларни ечишни енгиллаштиради. Америкада рўйхатдан ўтказиш халқаро мавқега эга бўлганлиги боис унга нисбатан бошқа мамлакатлар давлат органлари ҳам ҳурмат билан қарашади.

АҚШ Конгресси кутубхонасида рўйхатдан ўтказиш яқинда яратилган компьютер дастури эгаси учун ҳам, ҳуқуқи бузилган муаллифга ҳам руҳсат берилади. Агарда яқинда яратилган компьютер дастури учун – 30 АҚШ доллари ҳажмда бож олинса, ҳуқуқи бузилган муаллифдан эса 200 АҚШ доллари ҳажмида бож олинади. Бу ерда шундай бир хусусият борки, бунда юқоридаги ташкилотнинг ариза қабул қилиши билан рўйхатдан ўтказилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳақли ҳисобланади (қонуннинг 10-моддаси).

Бу ҳолда шуни унутмаслик керакки, компьютер дастури ёки маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идорасига талабнома топширилганидан кейин амалга оширилади. Яъни, чет давлатда компьютер дастурини рўйхатдан ўтказишни хоҳлаган шахс аввал, Давлат Патент идорасига талабнома топшириши лозим бўлади.

Рўйхатдан ўтказиш учун муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан:

-  ариза (тегишли бланкада);
-  бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
-  дастур нусхаси тақдим этилиши лозим.

Рўйхатдан ўтказиш жараёни ҳақида шуни айтиш мумкинки, тақдим этилаётган маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи томонидан тўлиқ текшириб чиқилмайди. Бундай ҳолда тақдим этилган маълумотлар (шунингдек, кўрсатилган шахснинг муаллифлиги) унинг акси исботланмагунча тўғри бўлиши презумпцияси амал қилади. Рўйхатдан ўтказилаётганда одатда фақатгина дастурнинг номи миллий базада рўйхатдан ўтган дастур билан солиштирилади. Дастурий коднинг қайтарилишини текшириш амалга оширилмайди,

натижада рўйхатдан ўтказиш тизими доирасида турли хил номга (ва муаллифга) эга бўлган бир хил дастурлар мавжуд бўлиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказиш жараёнида хорижий ахборот базасида мавжуд бўлган номлар ҳам текширилмайди. Бунинг натижасида бир нечта (ҳам номи ҳам дастурий коди) мутлоқо бир хил, турли хил муаллифга ва рўйхатдан ўтказилган санага эга бўлган дастур мавжуд бўлиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказиш жараёни дастурнинг ҳақиқий ва ягона муаллифи келиб қоладиган вазиятлардан ҳимоя қилмайди. Чунки барча рўйхатдан ўтказилган маълумотлар асосида бериладиган “ЭХМ дастури рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома” ариза берувчи сўздан олиб ёзилади ва ҳақиқатга мос келмаслиги ҳам мумкин<sup>1</sup>.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида компьютер дастурлари ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

1998 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника<sup>2</sup> Давлат қўмитаси Давлат Патент идораси билан Россия патент ва товар белгиси Агентлиги ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликда ЭХМ учун дастурлари, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологиялари билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш мақсадида ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологияларини унумли ҳуқуқий ҳимоя бўйича Келишув имзоланган.

Унга мувофиқ, тарафлар манфаатидан келиб чиқиб, хизмат ва тижорат сири сақланиши шарти билан ўзаро ахборот қидируви, ўзларининг Реестрида мавжуд бўлган ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологиялари тўғрисида аналитик маълумотлар тайёрлашни амалга ошириши (3-модда) кўрсатиб ўтилган. Лекин, нафақат давлатлар ўртасида балки, миллий қонунчилик доирасида ҳам

<sup>1</sup> Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер, 2003. -272 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги ПФ 3029-сонли “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида асосан, Вазирлар Маҳкамасининг Илмий-техникавий ривожлантириш Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузурида Фан ва технологиялар Маркази ташкил этилган эди. 7 август 2006 йил ПҚ-436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари - Фан ва технологиялар маркази ҳамда Ийрик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилди

компьютер дастурлари Реестрда мавжуд дастурларни мазмунан кўриб чиқмайди. Бу ҳолда тарафлар фақатгина бир хил номда компьютер дастури рўйхатга олингудек бўлсагина, бирон-бир ҳаракатни амалга оширишлари мумкин.

## 2.2. Компьютер дастурларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар мазмуни

Мутлоқ ҳуқуқ ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Фуқаролик ҳуқуқи назариясига муурожаат этишимиз лозим бўлади. Мутлоқ ҳуқуқлар дейилганда, бундай ҳуқуқлар соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлилигини ва айни вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлоқ тушунилади<sup>1</sup>.

Мутлоқ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахсларо фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкый ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлоқ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, уларнинг фарқлари ҳақида юқорида муфассал тўхтаб ўтилган эди<sup>2</sup>.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкый ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектидан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда, ҳар қандай усулда мутлоқ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланиладиган ва компьютер дастурларига нисбатан қўлланиладиган мутлоқ ҳуқуқ тушунчалари айнийдир.

Компьютер дастуридан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганда ҳуқуқ соҳибининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбурлашсиз, тазйиқларсиз фойдаланиш тушунилади.

Компьютер дастуридан фойдаланиш шакллари ва усуллари қонун йўл қўйган асосларга тўла мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун мутлоқ ҳуқуқ соҳиби белгиланган

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. –М.: БЕК, 1994, Т.1, 314-бет.

<sup>2</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. –Т.: 2003 й. -18 б.

талабларга риоя қилмоғи шарт. Компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқи билан автоматик тарзда унинг яратилиш факти остида қонуний ҳимоялансада, у расмий рўйхатдан ўтказилгандан кейингина дастурга нисбатан мулк ҳуқуқлар шартнома асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Кўпгина интеллектуал мулк объектлари қатори компьютер дастурларидан бир вақтнинг ўзида чексиз доирада учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти мавжуд, бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим фақат мулк ҳуқуқ соҳибининг розилиги асосларидагина фойдаланишлари шарт.

Интеллектуал мулк объектдан мулк ҳуқуқ эгаси розилигини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли тегишли фуқаролик-ҳуқуқий тартибда жавобгар бўладилар<sup>1</sup>. Бу ўринда компьютер дастурига нисбатан мулк ҳуқуқ эгаси розилиги дастурдан фойдаланиш бўйича лицензия шартномаси орқали ифодаланади. Мулк ҳуқуқ эгаси ҳуқуқлари бузилган тақдирда эса, яъни, компьютер дастуридан ҳуқуқ эгаси билан тузилган лицензия шартномасисиз, тижорат мақсадларида фойдаланилаётганлиги билса, у ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга, учинчи шахслардан ҳуқуқ бузарли ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини учинчи шахслар ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли.

О.Оқюлов интеллектуал мулк объектига нисбатан мулк ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар ФК ҳамда бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Бугунги кунда компьютер дастурларини фойдаланиш учун сотишда Microsoft компанияси бутун дунёда етакчи ва машҳур ҳисобланади. Унинг асосчиси Билл Гейтс эса, ўзи томонидан дастлаб яратилган компьютер дастурларини ҳеч қандай истисносиз чекланмаган доирадаги шахсларга ҳам сотиш ҳуқуқини сақлаб қолган. Бу эса, унинг бойиб кетишига асосий туртки бўлиб хизмат қилган.

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. –Т.: 2003 й. -20 б.

<sup>2</sup> Оқюлов О. Юқоридаги асар. -20 б.

Шу ўринда оддий ва мутлоқ лицензия ҳақида тўхталиб ўтсак. Одатда, оддий мутлоқ лицензияда интеллектуал мулк объектдан мутлоқ ҳуқуқ эгасининг ўзи (яъни лицензиар), лицензиат ва айни вақтда мутлоқ ҳуқуқ эгасидан рухсат олган бошқа учинчи шахслар ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бинобарин, бундай ҳолда лицензиат лицензия асосида фойдаланишга рухсат олган объектдан мутлоқ ҳуқуқ эгасининг фойдаланишига, шунингдек, лицензиат олинган лицензия асосида олдиндан мавжуд ёки кейинчалик пайдо бўлувчи бошқа лицензиатларнинг объектдан фойдаланиш ҳуқуқларига эътироз билдиришга ҳақли эмас. Бунда лицензиатга объектдан бошқалар катори фойдаланиш ҳуқуқи ўтади, ҳолос.

Мутлоқ лицензияда объектдан лицензиат ҳам, лицензиар ҳам фойдаланишга ҳақли, бироқ лицензиар бошқа учинчи шахсларга объектдан фойдаланиш бўйича лицензия беришга ҳақли эмас. Бинобарин, мутлоқ лицензия шартномаси амал қилган вақтда лицензиат ҳам, лицензиар ҳам объектдан фойдаланишда тенг ҳажмли ҳуқуқга эга бўлади.

Компьютер дастурига нисбатан мутлоқ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда эса, ҳуқуқ эгаси мутлоқ ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказди, демак, бу ҳуқуқни ўзидан тўла бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлоқ ҳуқуқ эгаси ҳисобланади. Лекин, компьютер дастурига нисбатан муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари бегоналаштирилмагани боис ўзида сақланиб қолади.

Мутлоқ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг маълум қисмини ўзида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисмини учинчи шахсларга ўтказди.

Мутлоқ ҳуқуқларни бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказишни ҳуқуқий расмийлаштириш шартлари ва тартиби ФКнинг 1035-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, агар ФКда еки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ еки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлоқ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс - ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Мулк ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ехуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлоқ ҳуқуқларнинг

ўтказилишига еки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши еки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шуниси муҳимки, шартнома бўйича ўтказиладиган мутлоқ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлоқ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Компьютер дастуридан бошқа шахсларнинг фойдаланишига руҳсат бериш унга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ соҳибининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишга руҳсат беришда мутлоқ ҳуқуқ шу ҳуқуқ соҳибининг ўзида қолади, ундан бегоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда объектдан фойдаланиш ҳуқуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари ва тартиби тарафлар ўртасидаги компьютер дастуридан фойдаланиш бўйича лицензия шартномаси асосида белгиланади.

Мутлоқ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишига ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ФКда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.

О.Оқюловнинг таъкидлашича, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларидан («ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонуннинг 12-моддаси) ҳуқуқ соҳибининг мутлоқ ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари, тартиби қонунларда назарда тутилган.

Мутлоқ ҳуқуқлар интеллектуал мулк объектдан бошқа шахсларнинг фойдаланишга имконият бериш орқали қонунларда назарада тутилган ҳолларда чекланиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топиш бундай ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берган ваколатли давлат органи, Аппеляция кенгашлари ёки суд томонидан (муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан) амалга оширилади. Бунда мутлоқ ҳуқуқ аввал бошдан (қарор чиқарилган пайдан эмас) ҳақиқий эмас деб топилиб шахснинг бундай ҳуқуқдан

фойдаланиш натижасида олган барча даромадлари мутлоқ ҳуқуқнинг ҳақиқий эгаси фойдасига ундирилиши мумкин<sup>1</sup>.

Бу ўринда компьютер дастурларини рўйхатдан ўтказилаётган биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказган шахснинг ҳуқуқлари устун бўлади. Компьютер дастурини рўйхатдан ўтказишда унинг мазмунан кўриб чиқилмаслиги муаллифлик ҳуқуқий ҳимоянинг камчилиги сифатида кўрлади.

Компьютер дастурига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар ҳуқуқ эгаси вафотидан кейин мерос тартибида қонуний меросхўрларга ёки васият асосида бошқа шахсларга ўтади. Вужудга келадиган муносабатларга нисбатан ФКнинг ворислик ҳақидаги белгиланган нормалар қўлланилади. Компьютер дастурига мутлоқ ҳуқуқлар эгаси юридик шахс бўлса, бундай юридик шахс қайта ташкил этилган ҳолларда (уни бошқа бир юридик шахс билан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш - ФКнинг 49-моддаси) мутлоқ ҳуқуқ ворислик тартибида янги ташкил этилган юридик шахсга ўтади. Қайта ташкил этишнинг бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш ҳолларида янги вужудга келган юридик шахсларнинг қайси бирига мутлоқ ҳуқуқ ўтиши уларнинг ўзаро келишуви асосида, бундай келишувга келишилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Мерос тартибида ва ҳуқуқий ворислик тартибида мутлоқ ҳуқуқларнинг ўтиш факти нотариус томонидан берилган мерос гувоҳномаси, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи мавжуд бўлса, ушбу ёрлиқни мутлоқ ҳуқуқни янги эгаси номига расмийлаштириш ҳақида ваколатли давлат идорасининг тегишли ҳужжати олинishi ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқларининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлоқ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқлар ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ҳақиқий эмас.

Ушбу қоида ижодий фаолият натижасининг яратувчиси бўлган муаллифнинг бу натижаларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқларга эга бўлган ҳолатига тааллуқлидир. Бундай ҳолда агарда муаллиф мутлоқ ҳуқуқдан келиб чиқувчи мулкий ҳуқуқларни шартнома асосида бошқа, учинчи шахсларга ўтказса ёки муаллиф вафоти туфайли бундай мулкий ҳуқуқлар

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. –Т.: 2003 й. -25 б.

универсал ворислик тартибида ҳуқуқлар (унинг ўзидан бегоналаштирилмайдиган ва бошқа бировга ўтказилмайдиган) асло бекор бўлмайди, чекланмайди ёки уларнинг ҳам шартнома асосида учинчи шахсларга ёки ворисларга ўтишига олиб келмайди. Ҳатто ҳуқуқ соҳиби муаллифнинг ўзи бўлмай, бошқа шахс бўлган тақдирда ҳам, мутлоқ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи бошқа мулкӣ ҳуқуқлар бу ҳуқуқлар эгаси томонидан шартнома асосида учинчи шахсга ёки универсал ворислик тартибида ворисларга ўтган тақдирда ҳам бу ҳолат муаллифнинг ҳуқуқини ҳамда бошқа ўтказилмайдиган ва бегоналаштирмайдиган ҳуқуқларнинг ўтишига, бекор бўлишига ёхуд чекланишига олиб келмайди.

Ижодий фаолият натижаси яратувчиси бўлган муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлган, бошқа бировга ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мутлоқ ҳуқуқлари доираси, турлари ва мазмуни ФКнинг 1033-моддасида белгилаб қўйилган.

Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши ҳақидаги шартлар кўзда тутилган шартнома муаллифнинг ўзи билан учинчи шахс ўртасида ёки компьютер дастурини яратувчиси бўлмаган мутлоқ ҳуқуқ соҳиби ва учинчи шахс ўртасида тузилганлигидан қатъи назар, шартноманинг ўша шартлари назарда тутилган қисми ҳақиқий саналмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқӣ объект вужудга келтирмайди. Бундай шартнома ўз-ўзича ҳақиқий саналмайди ва унга нисбатан ФКнинг 113-моддаси 3-қисми қоидалари қўлланилади.

Компьютер дастурлари яратувчиларининг мутлоқ ҳуқуқларини амалга оширишда улар билан тузилган лицензия шартномаларининг ўрни катта.

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолияти натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларга нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишига рухсат берилади.

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик ҳуқуқӣ восита ҳисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақида келишув ҳисобланади. Мулк эгаси (патент эгаси, товар белгиси соҳиби, муаллифлик ҳуқуқӣ объект соҳиби, ошқор этилмаган ахборотлар эгаси)нинг ҳуқуқӣ муҳофаза остидаги объектдан

фойдаланиш ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар асосида учинчи шахсларга беришга лицензия (рухсатнома) дейилади<sup>1</sup>.

Лицензия шартномаси ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра анъанавий олиш-сотиш ва мулкый ижара белгиларига ўхшаб кетса ҳам бу шартномалардан ўзига хос жihatлари билан фарк қилади.

Биринчидан, олиш-сотиш ва мулк ижараси шартномалари сотувчининг ёки ижарага берувчининг мулк ҳуқуқига ёки ашёвий ҳуқуқига асосланади. Лицензия шартномаси эса лицензия берувчининг интеллектуал мулк объектига нисбатан муғлок ҳуқуқига асосланади.

Иккинчидан, олиш-сотиш ёхуд мулкый ижара асосида ашё олувчига ёки ижарага топширилади ва бу ашёга нисбатан бир вақтнинг ўзида икки тарафлама эғалик қилиш мумкин. муғлок ҳуқуқ объектини эса куп холларда топширишга ҳожат йўқ: ихтиро, саноат намунаси мазмуни ёки товар белгиси тасвири эълон этилган ва ҳамма у билан танишиши, хабардор булиши имконига эга. Бу объект бир вақтнинг ўзида лицензия берувчи (лицензиат) томонидан ҳам, номуайян доирадаги учинчи шахслар (лицензиарлар) томонидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, олди-сотди шартномаси бўйича ФКнинг товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбуриятлари (ФКнинг 388-моддаси), сотувчининг сотилган товарни саклаш мажбурияти (ФКнинг 391-моддаси), сотувчининг товар камчилик-нуқсонлари учун жавобгарлиги (ФКнинг 409-моддаси) ва шу каби мулкый ижара шартномаси бўйича қатор қоидаларни лицензия шартномаси бўйича амалда қўллаб бўлмайд.

### **2.3. Компьютер дастурлари яратувчиларининг мулкый ва шахсий номулкый ҳуқуқлари**

Амалдаги қонунчиликда компьютер дастурларини яратган шахсларни шахсий ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқидан ташқари, аниқ-равшан белгилаб қўйилмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида “компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик,

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. -М.: БЕК, 1994. -248-249-бет.

шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади”, деб умумий тушунча бериб ўтилган ҳолос.

Компьютер дастурлари муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланишини назарга олсак, у ҳолда “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган асар муаллифининг шахсий ҳуқуқлари ҳақидаги қоидалар компьютер дастурлари ижодкорларига ҳам тааллуқли, деб ҳисоблаш мумкин.

Компьютер дастури яратилиши натижасида унинг муаллифи бир қатор мулкый ва шахсий номулкий ҳуқуқларни қўлга киритади. Компьютер дастурларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи айрим умумий қоидалардаги истиснолардан ташқари катта фарқ мавжуд эмас.

Юридик ва жисмоний шахслар, қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга руҳсат бериш ҳуқуқини англатади:

-асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

-асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

-асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

-асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг руҳсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

-асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

-асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

-асарни омма олдида намоёиш этиш (омма олдида намоёиш этиш ҳуқуқи);

-асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

-асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

-асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

-асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асарида фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш

ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга саналади. Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади, (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонун 23-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно).

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Компьютер дастури муаллифлари асарнинг асл нусхасини ёки нусхасини прокатга беришга руҳсат этишда мутлақ ҳуқуққа эга. Ушбу қоидалар аудиовизуал асарларга нисбатан, агар фақат шундай прокат ана шу асарларни такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуққа жиддий зарар етказадиган кенг қўламли такрорлашга олиб келмаса, шунингдек компьютер дастурларига нисбатан, агар компьютер учун дастурнинг ўзи прокатнинг асосий объекти бўлмаса, қўлланилмайди.

Компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар шартнома бўйича ўзга жисмонӣ ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва унда албатта қуйидагилар белгилаб қўйилади, яъни: компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва

усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати.

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган компьютер дастури ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар иш берувчига, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади. Ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

Келажақда компьютер дастурлари Интернет тармоғи орқали кенг тарқалиши мумкин. Чунки бунга сабаб биринчидан, юқори ахборот технологияларининг яратилиши туфайли ахборотни сиқиш имконини берганлиги туфайли ушбу кам ҳажмли ахборотни юқори тезликда ўтказиш имконини берса, иккинчидан, персонал компьютерларга уланган юқори тезликка эга йўлларни қўлланилиши, учинчидан, кўп ҳажмли компьютер маълумотларини сақловчи арзон воситаларнинг яратилишидир.

Ҳозирда фуқаролик ҳуқуқининг анъанавий объектлари бўлган нафақат моддий ашёлар (мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар) юзасидан балки, номоддий шаклга эга бўлган - интеллектуал фаолият натижаларидан, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларидан кўплаб соҳаларда фойдаланилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг асосий даромадлари ҳам айнан янги интеллектуал мулк объектларини яратиш, улардан тадбиркорлик муносабатларида фойдаланиш натижасида олинмоқда. Бунинг учун мустақкам қонунчилик асоси бўлиши ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини кафолатловчи ҳуқуқӣ механизм бўлиши талаб этилади. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустақкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқӣ кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги<sup>1</sup> қонунга мувофиқ, компьютер учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритилган. Қонунга асосан, компьютер дастури - муайян натижа олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади. Маълумотлар базаси деганда эса, объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги 18-моддасига асосан, асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкӣ ҳуқуқлар тегишли:

-асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

-асардан муаллифнинг ҳақиқӣ исми-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);

-асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

-асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

а) Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи деганда, компьютер дастури муаллифлигининг эътироф этилиш ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоялашга бўлган ҳуқуқи тушунилади. Айнан муаллифлик ҳуқуқи шахсий номулкӣ ҳуқуқ сифатида асарга нисбатан ҳуқуқлар белгиланиши ва тан олинмишида асос бўлади ва ҳуқуқи бузилган тақдирда уни ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда, 9-сон, 165-модда.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. М.: Теис: 1996, 195 с.

Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи унинг моддий элтувчиси (дискета, винчестер, компакт-диск)га нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Моддий элтувчига нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши компьютер дастурига нисбатан ҳуқуқларни ўтишига олиб келмайди.

Компьютер дастури муаллифи бўлиб фақатгина ижодий меҳнати билан уни яратган жисмоний шахс бўлиб ҳисобланади. Ижодийлик эса, оригиналлик ва махсус билимлар воситасида юксак тафаккур қилишни тақазо этади. Бугунги кунда компьютер дастурларидан фойдаланиш жараёнида дастурлар яратилиш ҳоллари ҳам учрайди (масалан, доимий равишда матн муҳарририда фойдаланиш жараёнида уни амалга ошириш макрослар ёрдамида автоматлаштирилиши мумкин). Айрим компьютер дастурлари ёрдамида эса, шеърлар, рассомлик асарларини ҳам яратиш мумкин. Шундай бўлсада, ҳозирда сунъий интелект томонидан яратилган ижодий фаолият маҳсуллари ўзининг бадий қиймати, етуклик даражаси бўйича инсониятнинг даҳо ижодкорлари томонидан дурдона асарлар жумласига кирмайди. Одатда, компьютер дастури воситасида олдиндан вазифа қўйилган ҳолда унинг ечиш усуллари белгилаб берилади. Яъни, компьютер дастури ёрдамида муайян натижа олиш мақсадида олдиндан берилган топшириқ бажарилади.

Шунингдек, сунъий интелект ижодкорнинг энг муҳим хусусияти-интуиция, яъни фаҳм-фаросатдан маҳрум, яна бунинг устига сунъий интелект «ақлли» инсон томонидан аввалдан дастурий таъминланган, демак чегараланган<sup>1</sup>. У ҳолда сунъий интелект яратган шеърга нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқлар кимга тегишли эканлиги аниқланиши лозим. Сунъий интелект ҳуқуқ субъекти эмас, у ўз эрки иродаси, манфаатлари ва мустақил онгига эга эмас. Шундай экан, сунъий интелект субъект эмас, объект сифатида у яратган асарларга нисбатан ким ҳуқуқ субъекти бўлишига қараб масалани ҳал қилиш лозим бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлик асари сифатида бир неча жисмоний шахсга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Қонунга асосан, икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

<sup>1</sup> Оқюлов О. Искусственный интелект: объект или субъект право // Давлат ва ҳуқуқ. 2000. -2-сон. -Б.18-20.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақли бўлади. (Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 12 моддаси).

б) асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ). Ушбу ҳуқуққа асосан, компьютер дастурида муаллифнинг исмини кўрсатиш шакли белгиланади. Яъни, муаллифнинг ҳақиқий исми, шарифи, унинг таҳаллуси ёки аноним тарзда ифодаланиши мумкин. Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ муаллифлик ҳуқуқи натижасида вужудга келади. Яъни, компьютер дастури муаллифи ўз ижодий фаолияти натижаси саналган асарини (компьютер дастурини) ошкор қилиши ва ўзи томонидан яратилганлигини эътироф этиши мумкин.

в) асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи. Бунда муаллиф ўзи шахсан ҳар қандай шаклда компьютер дастурини ошкор қилади ёки буни амалга оширишга бошқа шахсларга топширади.

г) асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи). Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Компьютер дастурларининг муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг муаллифидан бегоналаштирилмайди. Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Бугунги кунда янги, мураккаб, кўп босқичли асарларнинг яратилиши, жумладан, мультимедияли компьютер дастурлар, аудиовизуал асарлар оммавий фойдаланишга кенг жорий қилинмоқда. Ушбу ҳолатни таҳлил этиш натижасида шу нарса маълум бўладики, мультимедияли асарни одатий равишда бошқа асарнинг таркибига киритилган асар

сифатида қараб бўлмайди. Ушбу муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳуқуқий режими қонунларда аниқ ифодаланиши лозим. Бунда муаллифлик ҳуқуқига қатъий риоя қилиниши қонунда назарда тутилган асосий шарт сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликка асосан, компьютер дастури муаллифи бўлиб фақатгина ижодий меҳнати билан уни яратган жисмоний шахс бўлиб ҳисобланади. Муаллифлик ўзига ижодий ёндошувни, оригиналлик ва махсус билимлар воситасида юксак тафаккур қилишни тақазо этади. Бугунги кунда компьютер дастурларидан фойдаланиш жараёнида дастурлар яратилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бироқ, компьютер воситасида яратилган дастур ҳуқуқий ҳимоя қилинмайди. Шу боисдан, компьютер дастурини яратган ижодкор-муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи презумпцияси амал қилади.

## III-BOB. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИГА НИСБАТАН ХУҚУҚЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ

### 3.1. Компьютер дастурларини химоя қилиш усул ва воситалари

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширилиши ва химоя қилиниши кафолатлари қонунларда назарда тутилган бўлиб, мазкур ҳуқуқлар бузилган тақдирда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини химоя қилиш имконияти берилган.

Бу ўринда компьютер дастурларини химоя қилиш усул ва воситалари ҳақида сўз юритилганда унинг ҳуқуқий асосларининг тадрижий ривожига ҳам эътибор қаратиш лозим. Дастлаб компьютер дастурларини ихтирочилик ҳуқуқи маҳсулларига тенглаштириш танлаб олинган эди. Кейинчалик эса патент ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқи элементларини ўз ичига олувчи мустақил муҳофаза шаклини қўллаш таклиф этилди. Бироқ сўнгги йилларда компьютер дастурларини муаллифлик ҳуқуқи билан химоя қилиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этила бошланди. Бу концепция ҳозир миллий қонунларда ва халқаро конвенцияларда ўз ифодасини топди ва 30дан ортиқ давлат, шу жумладан АҚШ ва Россия худди шундай йўл тутдилар<sup>1</sup>.

Компьютер дастурларининг ҳуқуқ объекти сифатидаги ҳуқуқий табиати қонунчилик қабул қилинаётган босқичда қўлаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси йўлидан борди ҳамда “ЭХМ учун дастурлар ва маълумот базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” 1994 йил 4 майда махсус қонун қабул қилди. Мазкур қонунда кўрсатилишича, компьютер дастури - муайян натижа олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда ҳам компьютер дастурларини ҳуқуқий тартибга солишга оид қонун қабул қилинган. Масалан, АҚШнинг «Муаллифлик ҳуқуқини умумий қайта кўриб чиқиш ҳақида»ги 1976 йилги Федерал қонунида ЭХМ учун дастурларни муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган эди. Бироқ тез орада дастурлар илмий-техникавий ва тижорат жиҳатидан жуда улкан аҳамиятга эга эканлиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам 1980

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т. 2004.

йилда юқорида кўрсатилган қонун ЭХМ дастурларини ҳуқуқий муҳофазаси ҳақидаги кўшимча билан тўлдирилди. Ушбу қонуннинг 101-моддасида ЭХМ дастурига «ЭХМларда маълум натижага эришиши мақсадларида бевосита ёки билвосита фойдаланиладиган маълумотлар ва қўлланмалар йиғиндиси» сифатида таъриф берилган.

Кўпгина мамлакатларда компьютер дастурларини муҳофаза қилиш ё мавжуд эмас ёки билвосита, яъни мажбурият (шартномавий) муносабатлари доирасида амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам дастур воситаларини самарали муҳофаза қилиш бўйича қизғин баҳслар давом этмоқда<sup>1</sup>.

Компьютер дастурларини ҳуқуқий муҳофаза этиш бўйича қонунчилик муҳокама этилганда, у муаллифлик ҳуқуқи объектининг барча белгиларига мос тушишини асослаб берган назарий-юрис олимларнинг фикри муҳим роль ўйнади. Ҳақиқатан ҳам дастурлар ижодий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади ва объектив шаклда ифодаланади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, компьютер дастурларини муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилишни мутлоқ ва ягона, баҳссиз восита, деб бўлмайди. Компьютер дастурларига нисбатан нафақат муаллифлик ҳуқуқи, балки патент ҳуқуқи нормаларини ҳам қисман қўллаш лозим бўлади (масалан, АҚШда дастурий таъминотга нисбатан қисман патент ҳуқуқи нормалари қўлланилади).

Фикримизча, компьютер дастурларини муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилиш мавжуд ҳуқуқий воқелиқдир ва бундай ҳимоядан воз кечиш амалда мумкин эмас. Интеллектуал мулкнинг бошқа институтлари ушбу ҳуқуқий тартибга солишда кўшимча восита ролини ўйлаб муаллифлик қонунчилигидаги “бўшлиқ”ларни беркитади.

“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”<sup>2</sup>ги ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>3</sup> ги 2006 йил 20 июлдаги қонунига асосан, компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т. 2004.

<sup>2</sup> “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” ги 1994 йил 6 май Қонуни (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни).

<sup>3</sup> Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси муаллифи бўлиб, ижодий меҳнати билан уни яратган жисмоний шахс ҳисобланади. Лекин ушбу шахс компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларини шартнома бўйича ўзга жисмоний ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказиши мумкин. Мулкӣ ҳуқуқ шартнома асосида ўтказилганда шартномалар учун қўйилган қатъий талабларга риоя қилиниши лозим. Шартнома ёзма шаклда тузилиши ва унда компьютер учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилиши керак. Шартнома асосида мулкӣ ҳуқуқларни қўлга киритган шахс ҳам ҳуқуқ эгаси бўлиб ҳисобланади ва у ўз ҳуқуқларни ҳимоя қилиши мумкин бўлади.

Компьютер дастурлари ва маълумот базаларига нисбатан ворислик ҳуқуқига доир ишлар ҳам суд тартибида ҳал этилади. Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади<sup>1</sup>.

Даъвогар юридик шахс (ҳуқуқ эгаси) ёки жисмоний шахс (муаллиф) бўлишига қараб мулкӣ ҳуқуқларни бузилишига доир ишлар фуқаролик ишлари бўйича суд ёки хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Компьютер дастурлари ва маълумот базаларига нисбатан ҳуқуқ муаллиф ҳисобланмаган, тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс тузмасдан амалга ошираётган яққа тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган фуқарога тегишли бўлса, унинг ҳуқуқи ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида бузилган ҳисобланади ва хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Чунки бу ҳолатда фуқаро иқтисодий муносабатлар ишпирокчиси сифатида қатнашяпти<sup>2</sup>.

Хўжалик судлари томонидан бузилган ёки низолаштилаётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва корхона, ташкилот, муассасаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам кўрилади. Чунончи, ҳуқуқ эгаларининг - юридик шахс (жумладан,

<sup>1</sup> Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.

<sup>2</sup> Альферов А.Л. Некоторые аспекты судебной защиты прав авторов программ для ЭВМ и баз данных в России. //Защита прав граждан и юридических лиц в российском и зарубежном праве (проблемы теории и практики). Сборник статей и тезисов аспирантов и молодых ученых. -М.: МЗ Пресс. 2002. - 160 с.

чет эл юридик шахслари) ҳуқуқлари бузилишига доир ишлар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Муаллифлик ҳуқуқининг бузилишига доир ишларнинг хусусияти шундаки, бунда муаллифга ёки ҳуқуқ эгасига мулкӣ зарар билан бир қаторда жиддий равишда маънавий зарар ҳам етказилади. Мазкур ҳолатда шахсий номулкӣ ҳуқуқлар бузилади. Яъни, ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилишга доир қонунга мувофиқ бошқа номулкӣ ҳуқуқлар. Мазкур ҳолатда маънавий зарарни қоплатиш ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик кенг қамровли чора кўрилишини назарда тутади. Жумладан, суд компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Компьютер дастури ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин (“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси).

Талаб қилиб олинмаган компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхалари, компьютер дастури ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суд қарорига мувофиқ йўқ қилиниши лозимлиги қонунда акс эттирилиши лозим.

Компьютер дастури ёки маълумотлар базаси муаллифи ҳуқуқини бузилиши билан боғлиқ даъвои қаноатлантириш мақсадида суд муаллифлик ҳуқуқини бузувчи деб ҳисоблаш учун етарлича асос бўлган шахсга нисбатан муайян ҳаракатларни амалга оширишни таъқиқлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари кенг бўлсада, ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Масалан, муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя шакли расмиятчиликнинг мавжуд эмаслиги, ҳимоя муддатининг қатталиги кабилар билан характерланади. Бундай ҳимоя шаклининг камчилиги эса, ғоя ва алгоритмларнинг, дастур

мазмунининг ҳимоя қилинмаслиги (ўз навбатида компьютер дастурининг асосий қиммати ҳам айнан шунда) ҳисобланади.

Компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда асосан уларни адабий асарларга тенглаштириб ҳимоя қилиш белгиланди. Жумладан, бу қоида ТРИПС Битимида<sup>1</sup> ҳам ўз ифодасини топди. Дастурий таъминот асосан муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади. Бирок, бу борада ривожланган мамлакатлар таҷрибаси бошқача. Хусусан, АҚШ ва бошқа давлатларда дастурий таъминотни муҳофаза қилишнинг муаллифлик ҳуқуқий шакли билан бир қаторда патент ҳуқуқи асосида ҳимоя қилиш тизими амал қилади. Моҳиятан олиб қаралганда, патент ҳуқуқи нормаси билан муҳофаза остига олинган объектнинг ўзи яъни, дастур патентланмайди (муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя объекти бўлиб ҳисобланган дастур матни), балки яратилган компьютер дастури воситасида амалга ошириладиган муайян қўйилган вазифанинг оригинал ечими ҳимоя остига олинади<sup>2</sup>.

Бу ўринда интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти сифатида компьютер дастурларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар мазмунига ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. О.Оқюлов интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлоқ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахс фойдаланишига руҳсат беришга ҳақли ва агар ФК ҳамда бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли<sup>3</sup>, деб таъкидлайди.

Кўпгина интеллектуал мулк объектлари қатори компьютер дастурларидан бир вақтнинг ўзида чексиз доирада учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти мавжуд, бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим фақат мутлоқ ҳуқуқ соҳибининг розилиги асосларидагина фойдаланишлари шарт. Интеллектуал мулк объектидан мутлоқ ҳуқуқ эгаси розилигини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли тегишли фуқаролик-ҳуқуқий тартибда жавобгар бўладилар. Мутлоқ ҳуқуқ эгаси ҳуқуқлари бузилган тақдирда эса, яъни, компьютер дастуридан ҳуқуқ эгаси билан тузилган лицензия шартномасисиз, тижорат мақсадларида фойдаланилаётганлиги билса, у ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга, учинчи шахслардан ҳуқуқ бузарли ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини учинчи шахслар

<sup>1</sup> 1994 йил 15 апрелда Марокашда тузилган. Битимнинг 10-моддаси.

<sup>2</sup> АҚШда компьютер дастурларини патентга лаёқатли деб тан олиншига *Diamond v Diehr* 450 U.S. 175 (1981) бўйича суд қарори асос бўлди.

<sup>3</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. –Т.: 2003 й. –20 б.

ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Компьютер дастурларини муаллифлик ҳуқуқи воситасида ҳимоя қилиш бутун дунёда тан олинган ва кенг тарқалган ҳуқуқий ҳимоя шакли бўлиб ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи воситасида ҳимоя қилишлик ўзининг афзалликларига эга. Жумладан, ҳимоянинг узоқ вақт давомида амалда бўлиши (мамлакатимиз қонунчилиги бўйича муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади); ҳимоянинг бепул тақдим этилиши. Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя шакли бирон бир расмийликлар процедурасидан ўтишликни талаб қилмайди ва муаллифнинг зиммасига компьютер дастурини ҳимоя қилиш борасида бирон бир мажбурият юклмайди.

Патент ҳуқуқи асосида ҳимоялаш механизми ҳам ўзига хосликларга эга. Хусусан, ҳудудийлик характери; патент бериш ҳақида қарор қабул қилиш учун экспертиза ўтказилишини талаб қилувчи патентга лаёқатлилиқ шартлари; ҳуқуқий ҳимоя муддатининг камлиги; ҳимоянинг ҳақ эвазига амалга оширилиши ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Компьютер дастурларини патент ҳуқуқи воситасида ҳимоя қилиш тарафдорлари фикрича, дастурларни фақатгина муаллифлик ҳуқуқи нормалари асосида ҳимоялаш ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини тўла ҳажмда таъминламайди.

Таъкидлаш лозимки, компьютернинг ишлаши учун фақатгина патент ҳуқуқи билан муҳофаза этиладиган техник воситаларгина эмас, балки инсон ижодий фаолияти натижалари ҳам зарур бўлади. Компьютер дастури компьютернинг ишлаши учун мўлжалланган бўлиб алгоритмнинг муайян кетма-кетлиги қоидалари асосида буйруқни бажаради ҳамда дастурсиз компьютер “ўлик жон” ҳолида бўлади.

Замонавий компьютер дастури муайян мақсадга эришиш учун тузилиб, токи у муайян вазифани ечишга мўлжалланмаган экан, унинг ҳеч қандай қиммати бўлмайди. Дастур нафақат компьютерни ишлашини балки, унинг ёрдамида муайян натижаларга эришишни ҳам таъминлайди.

Компьютер дастури инсон интеллектуал салоҳияти натижасида яратилиб, доимо интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Бундай натижага ўйлаш, фикрлаш ва оқилона идрок қобилиятларини ишлатмасдан туриб эришиб бўлмайди. Мазкур хусусиятлар барча интеллектуал мулк объектлари учун хос ва айрим қўшимчалар билан

уни компьютер дастурлари учун ҳам татбиқ этиш мумкин. Объектив шаклда ифодаланган компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқий нормалар татбиқ этилади. Объектив ифодаланиши компьютер дастурининг ички, асосий ажралмас белгиси ҳисобланиб, объектив шаклсиз моҳиятсиздир, чунки дастур “тушунарли” шаклга эга бўлмас экан компьютер томонидан қабул қилинмайди. Объектив шаклда ифодаланган дастур ижтимоий қийматга эга – агар дастур техник восита ёрдамида қабул қилинса, демак унинг умумий шакли инсон томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Объектив ифодаланиш хусусияти дастурни ҳимоя қилиш мезонидан бири ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқининг бошқа объектларидан фарқли равишда компьютер дастури ўзининг объектив ифодаланиш шаклига кўра ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, асар инсон томонидан идрок этиладиган исталган шаклда (оғзаки, ёзма, тасвирий ва ҳ.к.) ифодаланади. Компьютер дастури эса, муайян дастурлаш тилида ёзилган, компьютер томонидан қабул қилинадиган ахборотда ифодаланади. Ҳуқуқий ҳимоя дастур асосида ётувчи ғояларга, тамойилларга (алгоритмларга), объектнинг мазмунига эмас, балки, дастурнинг объектив шаклига татбиқ этилади.

### **3.2. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик**

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий муносабатидаги каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатида ҳам унинг иштирокчиларини қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қўриқланади ва улар бузилган тақдирда ҳуқуқбузарларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий каби юридик жавобгарликнинг шаклларида бири ҳисобланади ва шу маънода улар билан бир қатор умумийликларга ва ўзига хосликларга ҳам эга. Бу ўзига хосликлар биринчи галда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари юридик жавобгарликнинг бошқа шакллари асосларидан фарқ қилади.

Масалан, жиноий жавобгарлик ёхуд маъмурий жавобгарлик асослари сифатида ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят таркиби ёки маъмурий ножўя қилмиш таркиби

мавжудлиги ҳисобланади ва улар тўрт қисм (компонент)-объект, объектив томон, субъект, субъектив томон ва ҳуқуқбузарлик билан унинг оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича адабиётларда цивилист олимлар юқоридаги ҳуқуқбузарлик конструкциясини фуқаролик ҳуқуқида қўллаш, кўчириш мумкин эмаслиги ҳақида доимо таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида<sup>2</sup>ги қонуннинг 15-моддасида белгиланишича, ҳуқуқ эгаларининг муқаддас ҳуқуқларига тааллуқли ушбу Қонун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Компьютер дастурларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларида бири бу – лицензия шартномасидир. Шундай бўлсада, унинг самардорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик ҳолларда фойдаланувчи компьютер дастурлари лицензия шартномаси шартлари ҳақида танишмаган ҳолда ўрнатишади. Натигада кўпгина низолар келиб чиқиши табиий ҳол. Шунинг учун компьютер дастурлари билан боғлиқ лицензия шартномаларини унификациялаш йўли билан муаллифлик ҳуқуқи объекти турига қараб ажратилмайдиган барча учун умумий бўлган (асосий) намунавий лицензия шартномасини ишлаб чиқиш лозим.

А.Сергонинг таъкидлашича, компьютер дастуридан фойдаланилганда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни икки гуруҳга бўлади, яъни, биринчиси – дастурий-техникавий; иккинчиси – ҳуқуқий<sup>2</sup>.

Дастурий – техникавий муаммолар жумласига қуйидагиларни:

- дастур алгоритми ёки унинг кодини;
- дастурга олдиндан ўйланган ҳолда вставкаларнинг чекламаган ҳолда:

➤ фойдаланувчи ёки учинчи шахслар тўғрисида ноқонуний ахборот тўпловчи моделларни қўйилишини. Бунда фойдаланувчининг дастурий-техник воситасидан фойдаланган ҳолда, кейинчалик буюртмачи (муаллиф)га бу ахборотларни бериш ёки фойдаланувчи томонидан рухсат берилмаган яъни, ноқонуний равишда бундай

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т. 2004.

<sup>2</sup> Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер, 2003. -272 с.

ахборотларга (буюртмачи, муаллиф томонидан) ўзига хос “тузатишлар” киритилиши амалга оширилиши эҳтимоли бўлади.

➤ фойдаланувчининг дастурий-техник воситасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган операциялар аниқлиги ва тўғрилигига таъсир кўрсатувчи модулларнинг қўйилишини.

-фойдаланилаётган ресурслар билан олинаётган дастурий таъминотнинг дастурий ёки аппаратли билан мос келмаслигини;

-дастурий таъминотни бошқа (фойдаланилаётган ёки келгусида олинadиган) дастур компонентлари билан адаптацияланиши зарурлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий муаммолар жумласига барча турдаги дастурий-техник қийинчиликлар оқибатини, шунингдек:

-компьютер дастурини фойдаланувчига сотувчининг “as is” шarti билан, яъни дастурни қандай бўлса шундай ҳолда, ҳеч қандай кафолатсиз ва жавобгарликсиз топширишга ҳаракат қилишлари;

-амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда дастурий таъминотга нисбатан ҳуқуқларни: юридик нуқтаи назардан нотўғри шаклланпирилган ҳолда ўтказишдан (бу ҳолни компьютер дастурини хоҳ фойдаланувчига, хоҳ ҳуқуқ эгасига, масалан компьютер дастурига нисбатан ҳуқуқлар ўтказилганда ҳам кўришимиз мумкин) келиб чиқидиган оқибатларда;

-дастурдан фойдаланган ҳолда олинган натижаларнинг ёки унинг модификациясининг ўз мақсадига мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланганда ҳуқуқ эгаси билан келишиш (ёки қўшимча ҳақ тўлаш) мажбурияти;

-келишувда белгиланган дастурий кодни ўзгартириш, адаптация қилиш ва модификация қилишга чеклаш;

-ишлаб чиқилган дастурий комплекснинг шартномага мувофиқ ёки шунга ўхшаш вазифага мўлжалланган дастурга қўйилган талабларга мос келмаслигининг аниқланишида кўриш мумкин бўлади.

Фуқаролик кодекси меъёрларини ўрганиш шундан далолат берадики, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари яхлит ҳолда алоҳида бобда ёки маълум бир моддада мустаҳкамлаб қўйилмаган, балки бутун қисмларига сочилиб кетган ҳолда ифодаланган. Бу

ҳолат амалиётда қўлланишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқариш мумкин ва ҳар доим нафақат махсус юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар, балки мутахассисларда ҳам яхлит, мукамал ва тўлиқ тасаввур вужудга келишига тўсиқлик қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексининг 333 ва 985-моддаларида белгиланган. Жавобгарлик асосларини бундай алоҳида-алоҳида тарзда берилиши жавобгарликни вужудга келтирувчи вазият билан боғлиқ. Бундай вазият шартнома шартларини бузиш ёхуд зарар етказиш оқибатида вужудга келади.

Шартнома асосларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асослари қуйидаги таркибий қисмларидан иборатдир:

1.Шартнома шартларини бузганлик (бажармаганлик, риоя қилмаганлик)-яъни шартнома бўйича зиммасига юкланган мажбуриятларга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бошқача айтганда, ҳуқуққа хилофлик;

2.Шартнома шартларини бузишда айбнинг мавжудлиги. Ҳуқуқ фанида айб ҳуқуқбузарнинг ўз қилмишига ва унинг оқибатларига руҳий муносабати-ўз эрки билан онгли равишда содир этгани, ўзини идора қила олиши, оқибатларни кўра билиши ва уларни юз беришини хоҳлаш-хоҳламаслигида намоён бўлади, деган қарашлар мавжуд<sup>1</sup>.

3.Жавобгарлик субъектининг мавжудлиги. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик турида жавобгарлик субъекти асосан ҳуқуқбузар ҳисобланади. Жавобгарлик юклаш вақтида ҳуқуқбузар муомала лаёқатига эга жисмоний шахс ёки юридик шахс ҳуқуқига эга ташкилот бўлиши лозим. Агарда жисмоний шахс муомала лаёқатини йўқотса ёки юридик шахс тугатилса, жавобгарликни қўлламаслик учун асос бўлавермайди. Бундай ҳолда жавобгарлик субъекти ўзгаради. Жавобгарлик агар мулкӣй характерда бўлса, универсал ворислик тартибида бошқа субъектларга-васийга ёки ворисларга ўтади (қонунда белгиланган асослар, тартибда ва ҳажмларда). Жавобгарлик субъектининг мавжудлиги жавобгарликни қўллашнинг мутлоқ зарурий қисми ҳисобланади<sup>2</sup>.

4.Зарарнинг мавжудлиги. Зарар моддий ва маънавий кўринишларда бўлиши мумкин. Моддий зарар ҳуқуқбузарлик сабабли келиб чиққан ҳаражатлар, мол-мулкни

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи мақомининг назарий ва амалӣй муаммолари. -Т. 2004.

<sup>2</sup> Оқюлов О. Юқоридаги асар. -Т. 2004.

шикастланиши, нобуд бўлиши, олинмай қолган даромад, ҳуқуқбузарнинг моддий манфаати тарзида намоён бўлади (ФК 14-модда). Маънавий зарар эса, шартнома шарти бузилиши натижасида ҳуқуқи бузилган шахснинг руҳий изтироблари, жисмоний ва маънавий қийноқлар, жамиятдаги инсоф, адолат, маънавий тамойиллар ва ахлоқий меъёрларни менсимаганлик учун шахсларнинг изтиробларида ўз ифодасини топади.

ФКда белгиланган жавобгарлик чораларга қуйидагилар киради:

-ҳуқуқбузарлик натижасида ҳуқуқ эвазига етказилган зарарни ундириш;

-ҳуқуқбузарлик натижасида ҳуқуқбузар томонидан олинган фойда (даромад) ни ҳуқуқ эгасига олиб бериш;

-ҳуқуқбузарлик воситаларини ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

-бузилган шахсий номулкий ҳуқуқларни тиклаш, шунингдек маънавий зарарни пул кўринишида қоплаш.

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонунда белгиланган фуқаролик-ҳуқуқий чоралар оригинал характерга эга бўлиб, фойда кўрган ҳуқуқбузарга нисбатан етказилган зарарни қоплаш чораси ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг 20-1000 бараваригача товон тўлаш қўлланилиши мумкин (айни вақтда ушбу қонунда юридик техника талабларига жиддий риоя қилимаган, масалан, 14-моддада жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, 15-моддада қандай ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик бўлиб ҳисобланиши баён этилади, яъни бунда мантиқий изчиллик бузилган – О.О.).

Ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар энг аввало мулкӣ характерда бўлиши лозим. Ривожланган мамлакатлар қонунчилигида уларнинг уч хил тури кенг тарқалган:

А) ҳуқуқбузар зиммасига ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни, шу жумладан ҳуқуқ эгасига етказилган реал зарарни ва ололмай қолган (бой берилган) фойдани (даромадни) қоплашни юклаш-бу ҳолда ундириладиган сумма билан етказилган зарар ўртасида қатъий боғланиш мавжуд бўлади;

Б) ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик содир этиш орқали олган барча даромадни (фойдани) ҳуқуқ эгаси фойдасига ундириб бериш-бу ҳолда етказилган зарар билан ундириладиган сумма ўртасида бевосита боғланиш мавжуд бўлади;

В) ҳуқуқбузар зиммасига ҳуқуқ эгасига қатъий миқдорларда белгиладиган товон ҳақи тўлашни юклаш-бундай ҳолда ундириладиган сумма билан етказилган зарар ҳажми ўртасида боғланиш мавжуд бўлмайди.

Жавобгарликни ушбу шаклидан амалиётда қайси бирларини қўллаш қулайроқ (интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқ эгаси нуқтаи назардан олганда) деган саволга таниқли олим А.П.Сергеев шундай жавоб беради: «зарарни қоплашни қўллаш нисбатан мураккаброқ, чунки бунда етказилган зарарни, айниқса унинг ҳажмларини, бой берилган фойдани, аниқ белгилаб, исботлаб бериш талаб қилинади. Ҳуқуқбузар томонидан олинган даромадларни ундириш нисбатан осонроқ, агарда, масалан: ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний равишда асар ёки компакт-диск тарқатилган бўлса, уларни сотиш баҳоси ва умумий тарқатиш тиражи орқали ҳуқуқбузар томонидан олинган даромад суммаси аниқ бўлади, бунда ҳуқуқ эгаси томонидан бой берилган фойда ҳажмини белгилаш талаб этилмайди. Бундай ҳолатда жабрланувчи учун анча қулай, исботлаш бурчи енгиллашади. Иккинчи томондан эса ҳуқуқбузар учун жавобгарлик ҳажми ошади-барча даромадлардан қатъий белгиланган миқдорларда товон пули ундириш талаб қилинганда ҳуқуқ эгалари учун вазифа янада осонлашади, қулай тус олади. Россия қонунларида товон пули миқдори 10 дан 50000 минимал иш ҳақи ҳажмигача белгиланган. Товон пулини муайян ҳажмини белгилашда суд жабрланувчининг эҳтимол тутилган зарар ҳажми, ҳуқуқбузарнинг олган даромади, унинг айби ва бошқа омилларни ҳисобга олмоғи лозим<sup>1</sup>. Муаллиф бу ўринда учинчи шахс бўйича бир оз зиддиятли фикрлар баён қилади: бир томондан жабрланувчи учун осон, иккинчи томондан қуйидаги ҳолатлардан суд келиб чиқмоғи лозим. Агар фуқаролик ва хўжалик-процесси жараёнида тортишувчилик тамойилидан исботлаш бурчидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда барибир жабрланувчи зиммасида жуда улкан исботлаш мажбурияти мавжуд. Бу ҳолда жабрланувчи учун етказилган зарарни ундириш ёхуд қатъий белгиланган ҳажмларда товон ундириш бир хил исботлаш предметини ташкил этади.

Фикримизча, товон ҳақи тўлатиш акцессор (факультатив) характерга эга бўлган жавобгарлик бўлиш лозим; жабрланувчи учун икки альтернатив шакл-зарарни ундириш

---

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. /Под ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. М.: Проспект, Т.3. -100 б.

ёхуд ҳуқуқбузар олган фойдани талаб қилиб олишни қўллаш имконияти бўлмаганда қатъий белгиланган миқдорларда товон пули ундиришни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Компьютер дастури юзасидан тузиладиган шартнома ҳам фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” қонунида “ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари сотилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланиши, хусусан ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин”-дейилган. Бу ўринда “шартнома тузишнинг алоҳида тартиби қўлланилиши”, “типик талаблар” ибораси бир оз мавҳум бўлиб қолган. Чунки, компьютер дастури нусхасидан фойдаланувчи шартнома тузаётганда, одатда, лицензия шартномаси шартлари билан тўлиқ танишмаган ҳолда “Ҳа, мен розиман”<sup>1</sup>, - деб шартнома тузишга киришади.

Қонуннинг 42-моддасида ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари нусхаларини сотишда муаллифлик шартномаси, агар унинг шартлари (дастурдан ва маълумотлар базасидан фойдаланиш шартлари) дастур ёки маълумотлар базаси нусхаларида тегишли тарзда баён қилинган бўлса, ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади, деб кўрсатилган.

Қонунда компьютер дастурига нисбатан ҳуқуқ эгасининг ҳали аниқланмаган, лекин дастур ишлаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган хатоликлар учун жавобгарлиги масаласи ўз ечимини топмаган. Мазкур масала “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

---

<sup>1</sup> Бу ўринда, фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган “конклюдент” битим тузишга ўхшаш бир жиҳат, яъни ўз ҳаракатлари билан битим тузишга розилик бериш аломати мавжуд. Битим тузилаётганда унинг мазмун, моҳияти, қўйилаётган талабларга унчалик эътибор берилмайди ва тегишли кодни териш йўли билан лицензия шартномаси тузилган ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида муаллиф томонидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кунда илм-фан, техниканинг жадал ривожланиб бориши натижасида ҳаётимизнинг деярли барча соҳасида замонавий ахборот технологияларидан, компьютер дастурларидан унумли фойдаланилмоқда. Улардан фойдаланиш ва юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ривожланишнинг бош омилларидан бири эканлиги ҳаётий зарурият сифатида қаралиши лозим.

2. Интеллектуал мулк объектлари, айниқса, ҳозирги кунда оммавий равишда кенг фойдаланилаётган компьютер дастурлари ҳам товар қўринишини олди, - деб бемалол айтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни амалда компьютер дастури ва ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Лекин, бу ўринда компьютер дастуридан фойдаланувчининг ҳуқуқлари қай даражада қафолатланган, деган саволга жавоб бериш мушкул. Бу ўринда мажбурият лозим даражада бажарилмаганда муаллиф ёки ҳуқуқ эгасининг масъулияти масаласи қонунчилик назаридан четда қолган.

3. Фуқаролик қонунчилигининг кўпроқ диспозитив характерга эгаллиги шартнома субъектларига (шу жумладан, компьютер дастуридан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома субъектларига) кенг имконият беради. Шартномада эрк-ироданинг ифодаланиши, тарафларнинг манфаатлари қондирилишига эътибор қаратилиши шартноманинг зарурий шартидир. Шундай экан, компьютер дастуридан фойдаланувчи ва ҳуқуқ эгаси билан тузилган лицензия шартномасида фойдаланувчининг ҳуқуқлари доираси батафсил шакллантирилиши, сифати лозим даражада бўлмаган компьютер дастури учун ҳуқуқ эгасининг жавобгарлиги ва мазкур шартномани такомиллаштириш масаласи ўз аксини топиши лозим.

4. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси ноқонуний равишда қўлайтирилганда, тарқатилганда ёки бошқача тарзда муомалага киритиш билан боғлиқ

ҳуқуқбузарлик натижасида компьютер дастурлари ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхалари, талаб қилиб олинмаган тақдирда компьютер дастури ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суд қарорига мувофиқ йўқ қилиниши лозимлиги қонунда мавжуд эмас.

5. Компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари кенг бўлсада, ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Масалан, муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя шакли расмийликнинг мавжуд эмаслиги, ҳимоя муддатининг катталиги кабилар билан характерланади. Бундай ҳимоя шаклининг камчилиги эса, ғоя ва алгоритмларнинг, дастур мазмунининг ҳимоя қилинмаслиги (ўз навбатида компьютер дастурининг асосий қиммати ҳам айнан шунда) ҳисобланади.

6. Ҳуқуқий муҳофаза қилиш шаклини танлашда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ҳажмини, бу ҳуқуқларни мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари, ҳимоя қилиш муддати ва доираси, ҳимояни олиш жараёни қай даражада қийин ва қимматлигини, ҳуқуқ бузилиш фактини ва ҳимояни амалга оширишнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

7. Маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик хусусида тўхталиб шунга айтиш мумкинки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, маълумотлар базасини тузувчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун айбдор шахс фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

8. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий хусусиятини 1) муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда яратилган маълумотлар базаси ҳуқуқий ҳимоя қилинмаслигида; 2) асосан таъқиқловчи ва қоплаш характерида эканлигида кўришимиз мумкин. Булар ҳақиқий муаллифнинг ҳуқуқларини тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, ҳуқуқ бузилишига ёки бузилиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳаракатларни тўхтатишга, зарарни шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаш; ҳуқуқбузарнинг муаллифлик ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида олган фойдасини зарарни қоплаш ўрнига ундириб олиш, қонун билан ўрнатилган ва суд ёки хўжалик суди қарори билан белгиланадиган суммада фойдани ундириш ёки зарарни қоплаш ўрнига компенсация тўловини тўлаш ва ҳ.к.

9. Суд маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Шунингдек, маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даввогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари суд ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунда белгиланган бошқа чораларни ҳам қўллашга ҳақли.

10. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан кенг қиррали ва тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг интеллектуал мулк тўғрисидаги миллий қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормалари билан уйғунлашувига эришишга интилоқда. Шу нуқтаи назардан олганда миллий қонунчиликда мавжуд маълумотлар базаси тушунчасини, БИМТ ҳужжатлари ва ЕИ маълумот базаларини ҳуқуқий ҳимоясига оид 1996 йилдаги директивасига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Мазкур халқаро ҳужжатда маълумот базаси мустақил асарлар тўплами, маълумотлари ва бошқа материаллари бўлиб, улар тизимли ёки услубий асосда жойлаштирилган ва ундан электрон ёки бошқа воситалар ёрдамида индивидуал равишда фойдаланиш мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига юқоридаги таҳрирда ўзгартириш киритиш лозим.

11. “ЭҲМ учун дастурлар ва маълумот базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси қуйидаги тарзда ифодалаш лозим:

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

“Компьютер дастури - бу амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда унга нисбатан ҳуқуқлар вужудга келган (ёки вужудга келтирувчи), объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида компьютер (унинг тизимлари, ўзаро алоқадор бўлган компьютерлар) ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар, буйруқлар ва кўрсатмалар мажмуи”.

Маълумотлар базаси - бу объектив шаклда ифодаланган ҳамда фойдаланувчи учун қулайлик яратиб, компьютер ёрдамида муайян мезон асосида маълумотларни тезкор топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган, маълумотлар мажмуидир”.

12.“ЭХМ учун дастурлар ва маълумот базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддаси қуйидагича шаклда ифодаланиши лозим:

8-модда. Хизмат вазифаларини бажариш тартибида яратилган ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар

“Ҳодимнинг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ёки иш берувчининг топшириғига кўра яратган компьютер дастури ёки маълумот базасига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар иш берувчига тегишли бўлади. Иш берувчи ва компьютер дастури муаллифининг муносабатлари улар ўртасидаги шартнома асосида тартибга солинади. Мазкур шартноманинг муҳим шarti бўлиб компьютер дастуридан фойдаланганлик учун муаллифга тўланадиган мукофот ва унинг ҳажми ҳисобланади.

Мазкур модданинг 1-қисмида кўрсатилган тарзда тузиладиган шартнома бўлмаса, ушбу модда қоидалари иш берувчи ва муаллиф ўртасидаги муносабатларга таъбиқ этилмайди”.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**  
**I.Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -429 б.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -413 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -525 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. -432 б.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
9. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007. – 38 б.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган маросимдаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2010 йил, 8 декабрь.

**II. Қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари:**

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. -40 б.

18. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. –496 б.
19. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005. –360 б.
20. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил декабрь 12 (1389) сонига 1-илова.
21. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат. 1995. –299б.
22. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат. 1999. –249б.
23. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги 2006 йил 20 июль Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган.
24. Ўзбекистон Республикасининг Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни (1994й. 5 май). (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎЗР 05.04.2002 й. 364-П-сон Қонуни, ЎЗР 30.08.2002 й. 405-П-сон Қонуни). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994. 5-сон. 136-м.
25. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил №1-2, 8-модда.
26. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонуни (1993й. 7 май). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 6-сон, 252-м.
27. Ўзбекистон Республикасининг Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуни (1994й. 6 май) ва ушбу қонунга 1997й. 26 декабрда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1998. 3-сон, 38-м.
28. Ўзбекистон Республикасининг ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонуни (1996й. 30 август). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 9-сон. 137-м.
29. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги қонуни (1990 й. 31 октябр) //Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990. №31-33. 371м.
30. Ўзбекистон Республикасининг Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонуни (1997й. 24 апрел). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 4-5 сон. 108-м.
31. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни (1998й. 29 август). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-м.
32. Ўзбекистон Республикасининг Реклама тўғрисидаги қонуни (1998й. 25 декабр). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 1-сон. 14-м.

33. Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик ва тадбирлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни (1999й. 14 апрел). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 106-м.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони. 30.05.2002 й. ПФ-3080. "Халқ сўзи", 116 (2944)-сон, 2002 йил, 1 июнь.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 август 2006 йил ПҚ-436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Патент божлари тўғрисидаги Низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 20 апреля 2006 й. N 65 Қарорига 2-Илова.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури. 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига 1-илова.
38. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги 286-сон қарорига 2-Илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 275-модда.

### **III. Халқаро ҳуқуқий манбалар ва хорижий давлатларнинг қонунлари:**

39. Саноат мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1883 йилги Париж Конвенцияси.
40. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билль. –Т.: Адолат. 1992. –54б.
41. Парижская Конвенция по охране промышленной собственности. Официальный русский текст Стокгольмского акта. (1967) измененный в 1979г. –Женева. ВОИС. 1993. –20с.
42. Бернская Конвенция Об охране литературных и художественных произведений. Русский текст Парижского акта (1971) измененный в 1979г. –Женева.: ВОИС. 1990. –58с.
43. Соглашений по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (ТРИПС). /Материалы ВТО. –М.: РАА. 1998. С.30-61.
44. Европа иттифоқининг 11.03.1996 даги (№ 96/9/ЕС.) Директиваси.
45. The New Database Right: Early Case Law from Europe. P. Bernt Hugenholtz. [<http://www.ivir.nl/publications/hugenholtz/fordham2001.html>].
46. Rockford Map Pub. v. Dir. Service Co. of Colorado, 768 F.2d 145, 147 (7th Cir., 1985).

### **IV. Илмий адабиётлар:**

47. Copyright law of the USA. 137-138-Р.
48. Азимов А. и др. Состояние правовой охраны и использование объектов интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан в 1993-1998гг. –Т., 2001. -26 с.

49. Альферов А.Л. Некоторые аспекты судебной защиты прав авторов программ для ЭВМ и баз данных в России. //Защита прав граждан и юридических лиц в российском и зарубежном праве (проблемы теории и практики). Сборник статей и тезисов аспирантов и молодых ученых. -М.: МЗ Пресс. 2002. - 160 с.
50. Ананьева Е. Авторское право и Интернет. //Защита прав граждан и юридических лиц в российском и зарубежном праве (проблемы теории и практики). Сборник статей и тезисов аспирантов и молодых ученых. -М.: МЗ Пресс. 2002. - 72 с.
51. Антимонов С.Б., Флейшиц Е.А. Изобретательское право. -М.: Гос. юр.издат. 1960. -105-107с.
52. Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер, 2003. -272 с.
53. Арипов М.М, Мухаммадиев Ж.Ў. Информатика, информационная технологиялар. –Т.: ТДЮИ. 2004. -278 б.
54. Бобоев Х.Б. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2000. -350 с.
55. Гаврилов Э.П. Международное совещание по правовой охране программ ЭВМ //Ж. Вопросы изобретательства. 1989, №10. 34-б.
56. Гражданское право. /Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. учебник. т.3. - М.: Проспект. 1998. -180 с.
57. Журнал официальных объявлений Европейского Сообщества 30.12.94 №L 341F11.
58. Зенин И.А. О концепции права интеллектуальной собственности в СССР. //Ж. Право промышленной и интеллектуальной собственности. 48-б.
59. Зенкин М.Н. О. Понятии изобретения. //Вестник МГУ. Сер. Право, 1970. №6, -48 с.
60. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм, -Т.: Адолат. 1996. -61 б.
61. Интеллектуальная собственность. Основные материалы. Ч.2. 212-б.
62. Ионас В.Я. Произведения творчества в гражданском праве. –М.: Юрид. лит. 1972. -168 с.
63. Клавани У., Фархат Д., Лукманов Д. Ўзбекистон на пути интеграции в мировую торговую систему. //Биржевый Вестник Востока. 1998. № 9. 21-б.
64. Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском Союзе //Юрист. 2003. №11. 47-б.
65. Матвеев Ю.Г. Международная охрана авторских прав. -М.: Юр.лит. 1987. 160-б.
66. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм). –Т.: ТДЮИ. 2009. -826 б.
67. Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. –М.: Юристь. 2000. –С.250.
68. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -614 б.
69. Неъматов А. Компьютер вируслари ва улардан ҳимояланишнинг дастурий усуллари. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар тўплами. -Т.:

- Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004. - 35 б.
- 70.Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. –Т.: 2003 й. -18 б. Печенкин М. и др. Гражданско-правовая ответственность за нарушения исключительных прав вытекающих из патента. //Интеллектуальная собственность. 1995, №11-12. С. 24.
- 71.Муаллифлар жамоаси //Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюловларнинг таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor press, 2010. -816 б.;
- 72.Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. –М.: Проспект. 2001. -752 с.
- 73.Тавбоев С.А. Интернет ва унда ахборот ахборот хавфсизлиги муаммоси. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004. -65 б.
- 74.Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. –Т.: Мерос. 1997.
- 75.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 3-жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998, -52 б.
- 76.Файзибаева Н.А. Особенности защита прав интеллектуальной собственности в сети Интернет в Узбекистане. –Т.: ТДЮИ. 2004. –С.86.
- 77.Илюшина М.Н., Ситдикова Р.И. Некоторые проблемы правовой защиты программ для ЭВМ и баз данных // Современные проблемы права интеллектуальной собственности: Теория и практика: Отеч. и зарубеж. опыт: Сб. науч. тр. — Казань, 1998. — С. 95—101
- 78.Федотов М.А. Информационное право. СПб. 2001. -316 с.
- 79.Трещенко Л.К. и др. Информация и собственность. Защита прав создателей и пользователей программ для ЭВМ и баз данных. М., Российская правовая академия при Минюсте России. 1996. -323 с.

#### **V.Диссертация ва авторефератлар:**

- 80.Тошев Б.Н. Законодательные основы и формы защиты авторских прав в Узбекистане.: Автореф. Канд.юрид.наук. –Т. ТГЮИ. 1999. 21б.
- 81.Насриев И.И. Личные права автора произведение и гарантии их защиты.: Автореф. Дис..канд.юрид.наук. –Т.: ИфиП АН РУз. 1995. 26с.
- 82.Оқюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореф. дисс.... докт. юрид. наук. –Т.: 2000. -52с.
- 83.Имомов Н.Ф.Селекция ютуқлари бўйича муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. Ю.ф.н...дисс. Автореферати.-Т.:2004. -24 б.
- 84.Каудыров Т.Е. Гражданско-правовая охрана объектов промышленное собственности в Республики Казахстан. Автореф. дисс....док.юрид.наук. Алматы, 2002. -54с.
- 85.Макагонова Н.В. Некоторые проблемы гражданско-правовой охраны авторских прав в России. Дисс..канд.юрид.наук. М., 1996. с.7-8 и др.

- 86.Петровский С.В. Правовое регулирование оказания Интернет услуг. Автореф дисс.канд.юрид.наук. –М.: Российская правовая академия. 2002. - 27 с.
- 87.Шерстобитов А.Е. Гражданско-правовое регулирование обязательств по передаче информации. Автореф дисс.канд.юрид.наук. –М.: МГУ. 1980. - 217 с.
- 88.Наумов В.Б. Правовое регулирование распространения информации в сети Интернет. Автореф дисс.канд.юрид.наук. –М.: ЕГУ. 2003. -23 с.
- 89.Исманжанов А.А. Правовые основы коммерческого обращения информационных продуктов в сети Интернет. Т.: ТГЮИ, Автореф дисс.канд.юрид.наук. 2006. 21 с.

#### **VI. Интернет ресурслар:**

- 90.[www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
- 91.[www. Intemet-law.ru/copyrighter](http://www.Intemet-law.ru/copyrighter).
- 92.[www. computerra.ru](http://www.computerra.ru)
- 93.[www. WIPO.org](http://www.WIPO.org).
- 94.[www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)
- 95.[www.yuridlit.ru](http://www.yuridlit.ru)
- 96.[www.law-edu.ru](http://www.law-edu.ru)
- 97.[www.lawportal.ru](http://www.lawportal.ru)
- 98.[www.medialaw.ru](http://www.medialaw.ru)
- 99.[www.law-and-politics.com](http://www.law-and-politics.com)